

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛТЕТИ**

**“ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ НАЗАРИЯСИ ВА УСЛУБИЁТИ”
КАФЕДРАСИ БИТИРУВЧИСИ**

ХАМИДОВ МИРХОН ЎКТАМОВИЧнинг

**“Аҳоли турар жойларда оммавий соғломлаштиришни ташкил қилиш
хусусиятлари” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ихтисослик: 5112000-Жисмоний маданият.
“Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси” фани бўйича
Иш кўриб чиқилди ва химояга рухсат этилди.
“Жисмоний маданият назарияси ва услубиёти”
кафедраси мудири, доц. Арслонов Қ.П
«_____» 2019 йил.

Илмий раҳбар:

п.ф.н. доц. F.M.Салимов.

Расмий оппонент:

п.ф.н. доц. Ш.Д.Абдуллаев.

Бухоро 2019 йил.

**Бухоро Давлат университети Жисмоний маданият факултети Жисмоний
маданият назарияси ва усулиёти кафедрасининг 1-сон йигилиши
баённомасидан**

КЎЧИРМА

**Бухоро шаҳри 2018 йил август Катнашдилар кафедранинг
барча аъзолари ва
битирувчи курс талабалари**

КУН ТАРТИБИ

**2018-2019 ўқув йили учун мўлжалланган битирув малакавий
ишлари мавзуларини тасдиқлаш.**

Йигилиши кун тартибидаги масала юзасидан кафедра мудири Қ.Арслонов қисқача ҳисобот берди ва янги ўқув йили учун мўлжалланган битирув малакавий ишлари мавзулари рўйхати тузилганлигини, мавзуларнинг долзарблигини, такрорланмаганлигини кафедрада тузилган маҳсус комиссия текшириб чиққанлигини қайт этилди. Шундан кейин малакавий битирув ишлари рўйхати йигилиш котиби томонидан ўқиб берилди.

Битирув малакавий ишлари мавзуларини таклифини йиғилганлар қўллаб кувватладилар.

Жисмоний маданият назарияси ва усулиёти кафедрасининг йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Битирувчи курс талабаси **Хамидов Мирхон Ўқтамовичнинг** қўйидаги мавзу “**Аҳоли турар жойларда оммавий соғломлаштиришни ташкил қилиш хусусиятлари**” битирув малакавий мавзуси этиб тасдиқлансин.
2. Битирувчи курс талабаси **Хамидов Мирхон Ўқтамовичнинг** битирув малакавий ишига, п.н.ф. доц. F.M.Салимов илмий раҳбар этиб тайинлансин.

Йигилиш раиси:

Қ.П.Арслонов

Йиғилиш котибаси:

Ф. Б. Музаффарова

“Маъқуллайман”

Илмий раҳбари: _____ F.М.Салимов

«25» август 2018 й.**“Тасдиқлайман”**Жисмоний маданият
назарияси ва услубий
кафедра мудири:**К.П.Арслонов****«25» август 2018 й.**

БухДУ Жисмоний маданият факултети битирувчиси **Хамидов Мирхон Ўқтамовичнинг “Аҳоли турар жойларда оммавий соғломлаштиришни ташкил қилиш хусусиятлари”** мавзусидаги битирув малакавий иши устида олиб борилиши лозим бўлган ишлар юзасидан

ТОПШИРИҚЛАР ЖАДВАЛИ

Тр	Ишнинг мазмуни	Бажарилиши муддати	Натижা
1.	Битирув малакавий мавзуини кафедра ва факултет кенгашида тасдиқланиб олиш, режаларини расмийлаштириш.	Сентябр	ижро этилди.
2.	Мавзу бўйича зарурий илмий-услубий материалларни ўрганиш.	Сентябр,октябр, ноябр	ижро этилди.
3.	Жисмоний тарбия муаммоларини ўрганиш	Октябр, ноябр	ижро этилди.
4.	Мавзу бўйича илмий манбаларни ўрганиш. Адабиётлар билан ишлаш.	Сентябр, октябр	ижро этилди.
115.	Тўпланган материалларни системалаштириш	Октябр	ижро этилди.
6.	Битирув малакавий ишининг 1-бобини тайёрлаш	Феврал	ижро этилди.
7.	Битирув малакавий ишининг 2-бобини тайёрлаш ва хulosалаш	Март	ижро этилди.
8.	Ишни яқунлаш, таҳрир этиш ва окқа кўчириш	Март, апрел	ижро этилди.
9.	Битирув малакавий ишининг бориши тўғрисида кафедрага хисобот бериш.	Май	ижро этилди.
10.	Ишни илмий раҳбар такризи билан кафедрага топшириш.	Май	ижро этилди.
11.	Дастлабки химоя жараёнида қатнашиш.	Май	ижро этилди.

Илмий раҳбар:**F. М. Салимов****Битирувчи курс талабаси:****M. Хамидов**

Бухоро Давлат университети Жисмоний маданият факултети Жисмоний тарбия назарияси ва усулиёти кафедрасининг 8-ийғилиши баённомасидан

КЎЧИРМА

Бухоро ш. 2019 йил май

Қатнашдилар кафедранинг барча аъзолари ва битирувчи курс талабалари

КУН ТАРТИБИ

2018-2019 ўқув йили учун мўлжалланган битирув малакавий ҳимояга тавсия этиш.

Йигилишда 4-курс талабаси **Хамидов Мирхон Ўқтамович** ўғлининг F.M. Салимов. илмий раҳбарлигида бажарган “**Аҳоли турар жойларда оммавий согломлаштиришни ташкил қилиш хусусиятлари**” мавзусидаги битирув малакавий ишининг тугалланганлиги тўғрисидаги ахбороти ва илмий раҳбар хulosasi тингланди.

Иш якунланганлигини ҳисобга олиб, жисмоний маданият назарияси ва усулиёти кафедраси йигилиши.

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Битирувчи курс талабаси **Хамидов Мирхон Ўқтамовичнинг** F.M.Салимов илмий раҳбарлигида бажарган “**Аҳоли турар жойларда оммавий согломлаштиришни ташкил қилиш хусусиятлари**” мавзусидаги битирув малакавий иши расмий ҳимояга тавсия этилсин.

Битирувчи курс талабаси **Хамидов Мирхон Ўқтамовичнинг** битирув малакавий ишига п.ф.н. Ш.Абдуллаев расмий ҳакам этиб тайинлансин.

Йигилиш раиси:

Қ.П.Арслонов

Йигилиш котибаси:

Ф. Б. Музаффарова

Хамидов Мирхон Ўқтамовичнинг
“Аҳоли турар жойларда оммавий соғломлаштиришни ташкил қилиш хусусиятлари”
мавзусидаги битирув малакавий ишига
ИЛМИЙ РАҲБАР ТАҚРИЗИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач қисқа вақт ичида спорт соҳасида ҳавас қиласа арзийдиган ишлар амалга оширилмоқда. Оғир атлетика спорт тури ёшлар ўртасида оммалашиб бормоқда. Бу мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари учун қулай шароитлар яратилганлиги туфайли ривожланиш имкониятига эга бўлди.

Талаба-ёшларни Оғир атлетика спорт турлари машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда ёш авлодни жисмоний камол топтиришга йўналтирилган самарали спорт тизими шаклланди. Бу тизимнинг маънавий – тарбиявий аҳамияти шундаки, мамлакатимиз ёшларининг барча қатламларини қамраб олади ва янада бирлаштиришга хизмат қиласи.

Ўзбек Оғир атлетикачилари олимпиядада ўйинларида ақл-идроқда, тафаккурда ва моҳиятда нималарга қодирлигини кўрсата олди. Жисмоний тарбия ва спорт жамиятда моддий ҳаёт билан боғлиқ жараён бўлиб, у муайян қонуниятлар асосида ривожланаётганлиги мазмун ва моҳияти жиҳатидан соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган.

У. Шабоновнинг ишида Мустақилликдан кейин оғир атлетика билан шуғулланувчиларнинг ўсиш кўрсаткичларининг таҳлили қилиш жараёнида интернет маълумотларидан, хориж илмий мақолалардан ва Оғр атлетика ўқув қўлланмаларидан кенг фодаланган.

Битирувчи талабанинг малакавий иши долзарб муаммо ҳисобланиб ўзининг илмийлиги билан ажralиб туради. Мақсад, вазифа ва хулосалар факат бир-бирини тўлдиради.

Кўйилган талаблар бажарилган бўлиб ишни ҳимояга тавсия қиласман.

Илмий раҳбар:

Ғ.М.Салимов

Хамидов Мирхон Ўқтамовичнинг

“Аҳоли турар жойларда оммавий соғломлаштиришни ташкил қилиш хусусиятлари”

мавзусидаги бити्रув малакавий иши бўйича расмий оппонент

ТАҚРИЗИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач қисқа вақт ичida спорт соҳасида ҳавас қилса арзийдиган ишлар амалга оширилмоқда. Оғр атлетика спорт тури ёшлар ўртасида оммалашиб бормоқда. Бу мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари учун қулай шароитлар яратилганлиги туфайли ривожланиш имкониятига эга бўлди.

Талаба-ёшларни Оғир атлетика спорт турлари машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда ёш авлодни жисмоний камол топтиришга йўналтирилган самарали спорт тизими шаклланди. Бу тизимнинг маънавий – тарбиявий аҳамияти шундаки, мамлакатимиз ёшларининг барча қатламларини қамраб олади ва янада бирлаштиришга хизмат қиласди.

Ўзбек Оғир атлетикачилари олимпида ўйинларида ақл-идроқда, тафаккурда ва моҳиятда нималарга қодирлигини кўрсата олди. Жисмоний тарбия ва спорт жамиятда моддий ҳаёт билан боғлиқ жараён бўлиб, у муайян қонуниятлар асосида ривожланаётганлиги мазмун ва моҳияти жиҳатидан соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган.

У.Шабоновнинг ишида Мустақилликдан кейин оғир атлетика билан шуғулланувчиларнинг ўсиш кўрсаткичларининг таҳлили қилиш жараёнида интернет маълумотларидан, Иш доирўқув қўлланмаларидан кенг фодаланган.

Битирувчининг малакавий иши долзарб муаммо ҳисобланиб ўзининг илмийлиги билан ажралиб туради. Мақсад, вазифа ва хulosалар фақат бир-бирини тўлдиради.

Шунинг учун ишни малакавий бити्रув иши сифатида расмий ҳимояга тавсия қиласман.

Расмий оппонент:

п.ф.н. Ш.Абдуллаев

**Илмий Кенгашнинг
-апрел 2019 йилги
-баённомаси
билимнижайли тасдиқланган
Бухоро давлат универсиети**

факултети
таълим йўналиши

битирудвчиси **Хамидов Мирхон Ўқтамовичнинг**
мавзусидаги битиув малакавий ишга ДАКнинг

ХУЛОСАСИ

Бухоро давлат универсиети ДАК Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги БМИнинг бажариш һақидағи 31.12.98 йил 362-сонли буйругъи билан тасдиқланган низомга асосан қўйидагиларни аниқлади:

1. БМИнинг ҳажм ва талаб бўйича расмийлаштирилганлиги (мевёртабиий йўналишлар-50дан, ижтимоий йигъилишлар-70 бетдан кам бўлмаслиги керак): талабга жавоб беради-10 балл талабга қисман жавоб беради-7 балл, талабдан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд-4 балл.
2. Мавзунинг давлат ва университет грант дастурлари асосида ёки долзарб муаммолар бўйича танланганлиги: давлат дастурига кирган-8 балл, грант лойиҳаси бўйича-7 балл, Бух ДУ дастури бўйича-6 балл, долзарб муаммолар бўйича-5 балл.
3. Мавзу долзарблигининг асосланганлиги: ўтарли даражада асосланган-5 балл, этарли даражада асосланмаган-3 балл, ноаниқ-2 балл.
4. Мақсад ва вазифаларнинг аниқ ифодаланганлиги: аниқ-7 балл, тўлиқ аниқ эмас-5 балл, аниқ эмас-3 балл.
5. МДИ бажаришда илмий текшириш методларидан фойдаланганлик даражаси: тўла-7 балл, қисман-5 балл, этарли эмас-3 балл.
6. Олинган натижаларнинг янгилиги ва ишончлилик даражаси: натижа янги -8 балл, илгари олинган-6 балл, тўла ишончли эмас-3 балл.
7. БМИнинг хуоса қисмда ишлаб чиқаришга тавсия бор-6 балл, ижтимоий соҳада қўллашга (таълим, атроф-мућитни ҳимоя қилиш, маънавий-маъривий...) тавсия қилинган-5 балл, тавсия йўқ-3 балл.
8. Битиувчининг мавзу бўйича олинган натижаларни танқидий баҳоланганлиги даражаси: аниқ-8 балл, тўла аниқ эмас-6 балл, танқидий баҳоланмаган-4 балл.
9. Ишнинг илмийлик һарактери: илмий тадқиқодлар асосида-8 балл, аралаш шаклидан-5 балл, рефератив ҳарактердан-3 балл.
10. Битиувчининг маърузасига баҳо: аъло-10 балл, яхши-7 балл, қониқарли-6 балл.
11. Берилган саволларга жавоблари: тўлиқ-8 балл, ўрта-6 балл, қониқарли 4 балл.
12. БМИни ташқи тақризчи томонидан баҳоланиши: аъло-7 балл, яхши-6 балл, қониқарли-5 балл.
13. БИИга қўйилган якуний балл _____ Баҳоси _____
Эслатма: ҳар бир бал бўйича аниқланган баллнинг тагига чизиб белгиланади.

ДАК раиси _____
Ф.И.Ш.имзо

Аъзолари _____
Ф.И.Ш.имзо

Ф.И.Ш.имзо

Сана "_____" ____ 2019 й

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Жисмоний маданият факултети

Хамидов Мирхон Ўқтамовичнинг

Ўзлаштириши ҳақида

МАЪЛУМОТНОМА

Талаба Хамидов Мирхон Ўқтамовичнинг

Бухоро Давлат Университети Жисмоний маданият факултетида 2015-2019 йилларда ўқиши давомида ўқув режасини тўлиқ бажарди ва қуидаги ўзлаштиришга эришди.

"АҶЛО" _____

"ЯХШИ" _____

"ҚОНИҚАРЛИ" _____

Факултет декани:

Б.Б. Маъмуроев

Давлат Аттестация комиссиясига

Бухоро Давлат Университети

**Жисмоний маданият факултети
Талаба**

"

"

Мавзусидаги битирув малакавий иши расмий ҳимояга рухсат этилсин.

Химояга битирувчининг ўзлаштириши тўгрисида маълумотнома, битирув малакавий иш ҳакида раҳбар ҳамда кафедра йигилиши холосаси, такриз ва талабага тавсифнома илова қилинади.

Факултет декани:

Б.Б. Маъмуроев

МУНДАРИЖА

Кириш	11
I-БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ.....	15
I. 1.Харакатни келиб чиқиши тарихи	15
I.2.Харакатли ўйин хақида асосий тушунча.....	20
I.3.Харакатли ўйинни ташкил қилиш ва ўтказишга қўйиладиган педагогик талаблар.....	25
II. ТУРАР ЖОЙЛАРИДА ОММАВИЙ СОГЛОМЛАШТИРИШ ВА ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	31
II.1.Аҳолининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган эътиёжларини ўрганиш	31
II.2. Аҳоли турар-жойларда оммавиий спорт ишларини ташкил қилиш.....	35
II.3.Маънавият ва маърифий жамоатчилик маркази.....	38
II.4. Спорт турлари ва халқ миллий ўйинлари бўйича жавмоалар ташкил қилиш.....	44
Хуроса.....	60
Фойдаланилган адабиётлар.....	62

КИРИШ

Битирув малакавий ишнинг долзарблиги: Ўзбек халқининг азалий орзуси – Мустақиллик миллат орзуси, ўз ривожланиш йўлини ўзи танлаш хуқуқи сифатида рўёбга чиқди. Мустақиллик туфайли тақдиримизни, келажагимизни ўз қўлимизга олишга мұяссар бўлдик. Мустақиллик халқимизнинг ўз куч – қувватига ишончини уйғотди. Мустақиллик сабаб одамда яшириниб ётган ижодий фикр ва туйғуларни рўёбга чиқариш имкониятини берадиган ижтимоий тартиб пайдо бўлди. Озод, обод ва фаровон жамият барпо этиш халқимизнинг асосий гоясига айланди. Жамият ривожланишининг ҳозирги давр босқичида баркамол инсонни тарбиялаш энг асосий, кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалардан биридир. Президентимиз такидлаганидек: “Соғлом авлодни тарбиялаш - буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир”. Шундай экан, мамлакатимида соғлом авлод дастури ҳаракатининг кенг тус олгани, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида талим – тарбия тизимининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улуғвор вазифани амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамдир.¹

Комил инсон руҳан тетик, ақлан етук, жисмонан бақувват бўлмоғи керак. Инсоннинг ақлий, ахлоқий ва жисмоний сифатларини ривожлантириш, саломатлигини мутаҳкамлаш, иш қобилиятини ошириш, жамоаларда қулай соғлом муҳитни яратишнинг кўп қиррали жараёнида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида шаклланиши ва унинг истиқлол сари дадил бориши ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий маърифий соҳаларини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бу йўлда соғлиқни сақлаш, фан, маданият, техника, иқтисод, талим-тарбия, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда бошқа соҳаларда чуқур ислоҳотлар олиб бормоқда. Малумки бу жараёнларни ҳозирги кун талаблари асосида ташкил қилиш ва

¹ “Ta’lim to‘g‘risida” va “Kadrlar tayyorlash bo‘yicha Milliy dastur to‘g‘risida” qonun 1997 y. 29 avgust..

бошқариш асосий мақсади ҳисобланади. Шу сабабдан мамлакатимизнинг мустақиллигини тўла таъминлаш, унинг жаҳонда тараққий этган давлатлардан бири сифатидаги нуфузини халқаро ҳуқуқлар асосида юқори кўтариш каби фаолиятлар ниҳоятда муҳим. Бу фаолиятларни амалга оширишда эса мутахассис кадрларни тайёрлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Таълим тўғрисида"ги Қонунлар, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга моликдир.²

Аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаб бориш, ўқувчи -ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотини ошириш, соғлом авлод тарбиясини такомиллаштириш масалалари келажаги буюк давлат қуришнинг муҳим омилларидан биридир.Юртимизда жисмоний тарбия, спорт ва халқ миллий ўйинлари таълим тизимидан асосий таълим-тарбия воситалари сифатида мустаҳкам ўрин олмоқда.

Теннис бўйича Президент кубоги учун халқаро турнир анъанага айланди. Ўзбек кураши жаҳон спорти турлари қаторига қўшилди ва жаҳон чемпионатлари муваффақиятли ўtkазиб келинмоқда. Ўзбекистон спортчилари Марказий Осиё, Осиё ва халқаро спорт мусобақаларида мустақил жамоа сифатида иштирок этиб, дастлабки ютуқларга эришдилар. Бу жиҳатлар республика спорт ташкилотлари раҳбарларини янада ташаббускорлик билан фаолият кўрсатишга даъват этади.

Ўйинлар ҳаётдаги тўсиқларни енгиш хамда ҳар хил хислат ва қобилятларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган жисмоний машқларнинг турли мажмуасини ўз ичига олади. бундан ташқари, одатда, болалар севиб ўйнайдиган уларга баҳт, қувонч баҳш этадиган мусобақа элементлари ҳам ҳаракатли ўйинларга киради.

² O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoev Qarori.“Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” Ushbu Qaror «Xalq so‘zi» gazetasining 2017 yil6 iyundagi 111 (6805)-sonida e‘lon qilingan. Toshkent sh., 2017 yil 3 iyun, PQ-3031-son.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Аҳоли турар жойларида оммавий соғломлаштириш ва халқ миллий ўйинларини ташкил қилишнинг хусусиятларини асослаб бериш.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари:

1. Аҳоли турар жойларида оммавий соғломлаштириш ва халқ миллий ўйинларини ташкил қилиш хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш.
2. Битирув малакавий иш натижалари асосида услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ қилиш.
3. Аҳоли турар жойларида оммавий соғломлаштириш ва халқ миллий ўйинларини ташкил қилишда ўқувчи-ёшларнинг қизиқишилари ва муносабатларини илмий-педагог жиҳатдан таҳлил қилиш.

Битирув малакавий ишнинг фазази: Аҳоли турар жойларида оммавий соғломлаштириш ва халқ миллий ўйинларини ташкил қилиш хусусиятларни ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича қуидагича ғоялар олға сурилади:

1. Ўқувчи-ёшларни турли хил машқларни бажаришдаги ҳаракат фаолияти.
2. Аҳоли турар жойларида оммавий соғломлаштириш машқларни қўллашдаги усусларининг таҳлили.
3. Халқ миллий ўйинларини ташкил қилиш хусусиятларини ўрганиш ва оғзаки тушунтиришдаги фаолиятлари ҳамда усусларини педагогик жиҳатдан таҳлил қилиш.

Битирув малакавий ишнинг илмий-амалий аҳамияти: шундаки, аҳоли турар жойларида оммавий соғломлаштириш ва халқ миллий ўйинларини ташкил қилишда спортнинг моҳияти ва жисмоний тарбияда унинг хусусиятларини тарбиялашда алоҳида эътибор бериш йўлларини қўллаш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Битирув малакавий ишнинг натижалари айниқса унинг хусусиятларини тарбиялашда қўлланиладиган халқ миллий ўйинларини

ташкил қилиш хусусиятлари инсонларнинг ўзлари танлаган спорт машғулотларини бажариш усуллари яратилади.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда "Алпомиш" ва "Барчиной" маҳсус тестларининг ҳаётга татбиқ қилиниши, ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг турли спорт мусобақалари, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ўйинлари, "Универсиада", ҳалқ миллий ўйинлари фестиваллари ҳамда аҳоли истиқомат жойлари, меҳнат жамоаларида спартакиадалар, биринчиликларнинг мунтазам ташкил қилиниши эътиборга моликдир.

Барча ҳудудлар ва марказий шаҳарларда йирик спорт иншоотлари қад кўтармоқда, янги спорт мактаблари, литсейлар, касб-хунар коллежлари ташкил қилинмоқда. Спорт жамоаларининг турлари ва сонлари тобора ошмоқда. Бунда оммавий соғломлаштирувчи ва спорт маҳоратларини оширувчи тадбирларни мақсадли ташкил қилиш мутахассислар, жамоат идоралари ва ҳомийлардан катта ташкилотчилик, этибор талаб этади.

I-БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ.

I.1. Ҳаракатни келиб чиқиши тарихи.

Тарихий маълумотларга қараганда ибтидоий овчилар ҳаётида овчилик ўйинлари муҳим ўрин тутган. Баъзи манбаларда улар овдан олдин ўтказилиши ёзилган бўлса, бошқаларида овдан сўнгги ўйинлар ўйинлар ҳақида фикрлар баён этилган. Агар бу маълумотларни чуқурроқ тахлил этадиган бўлсак, унда овчилик ўйинлари овдан олдин ҳам, ундан сўнг ҳам ўтказилган, дейиш мумкин. Овдан олдинги ўйинлар – аввалда машқ (овга тайёргарликни текшириш, овга рухий ва жисмоний тайёргарлик) вазифасини ўтаган ҳамда жиддий ўзига хос кичик ибтидоий одамлар ўлжани осонгина қўлга тушириш, унга яқинлашишни ўрганишган, бунинг учун ниқоб кийиб, ҳайвон қиёфасига тушишни, унинг юриш-туришлари ва товуш чиқаришларини машқ қилишган. Айнан ана шундай ўйинлар жараёнида ёшларни ҳам ов қилишга ўргатишган. Шу боисдан ҳам у ўзига хос мактаб вазифасини ўтаб, бир томондан, овчилар махоратини ўстиришга ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан эса, уларда тақлид санъатини шакллантирган ва ривожлантирган.³

Овдан сўнги ўйинлар ов мувоффақиятли тугагандангина уюштирилган деб тахлил қилиш мумкин. Чунки обдон ўлжа билан қайтиш, бу зиёфат, хурсандчилик қилишга, бутун жамоанинг байрам қилишига имкон яратган.

Ўрта Осиё териториясида ибтидоий одамлар ҳаётида ҳам овчилик ўйинлари бўлган деган тахминий исботни биз палеолит даври Бойсун тоғидаги Тешиктош ғоридан бундан юз минг бурунги песпертол (ўрта палеолит) одам суюгини топилиши, Самарқандаги Омонқўтон қишлоғидаги ғордан топилган тош қуроллар. Сурхандарёнинг Заркўт камарида олвон рангдаги суратлар. Хўжакент қишлоғидаги тошларга чизилган кийик ва хўқиз тасвири ва бошқа кўпгина археологик топилмалар ва улардаги тасвирий санъатга оид элементлар, бу рақс ўйинларининг, шу жумладан

³ Abdumalikov R.A., Abdullaev A. Xalq milliy o‘yinlari mazmunida ma’naviyat masalalari. – Toshkent: 1995. 14 b.

болалар фолклор ўйинларининг энг содда шахобчаларга эга эканлигидан далолат берибина қолмай, балки унинг туғилиши босқичларини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Мазкур суратларда ибтидоий кишиларнинг қадимги овчилиги, ҳайвонат ва табиий борлик билан боғлиқ ритуаллар акс этиб, ов вақтида жаниворлар терисидан ниқоб қилиб юришлари, бир томондан ов жараёнида ёввойи ҳайвонларни хуркитиб юбормасликни кўзласа, иккинчи жихатдан, уларнинг тушунча ва эътиқодларини этнографик ҳамда урфодатлари, қадриятларининг ҳам ифода этади. Фарғонанинг Саймалитош тоғиғорларига чизилган расмлар (Ерамиздан олдинги ИИ-И асрлар) ҳайвон терисини ёпиниб, ўйинга тушаётган ишкор маросимларидан далолат беради. Ҳайвонлар тўдасига яқинлашиш учун ибтидоий одам ҳайвон ёки қушларга айнан тақлид қилиш, бунинг учун эса уларнинг ўзига хос хусусиятларини, юриш-туришларини, ўтлашларини, бир-бирлари билан олишишларини, хуркиб қочишларини, ҳатто товушларини ҳам ўрганишга тўғри келарди.

Ниҳоят, ёввойи ҳайвонларни овлаш шарт-шароити одамнинг чаққон ва абжир, жасур ва толиқмас бўлишини, бунинг учун доим тинимсиз шуғуллана боришини талаб қиласади. Буларнинг ҳаммасини ўз навбатида ибтидоий одамда жисмоний - ритмик ҳаракатнинг феъли ёки табиат ҳодисаларига тақлид қилувчи пантомим ҳаракат ва ўйинларнинг, қаҳрамонлик рақсларининг туғилишига олиб келар эди. Тоғ қоялари ва ғорларда чизилган суратлардаги ўйин тасвири мазмун-маъно, ва шакл-шамойил жихатдан турларига ҳарактерга эга. Айримлари ов ва меҳнат жараёнини, баъзилари эса табиат стихияларига тақлид шаклида, бошқалари жанговорликни, афсунгарликни, имо-ишора ва понтомима саънатини эслатади.

Дастлабки пайтларда шовқинли бетартиб ўйинлар бора-бора мусиқавий оҳанг пантомим ҳамда пластик ҳаракатлар орқали амалга оширила бошланган кейинги даврларда, бундай этнографик талқиндаги ўйинлар турли шаклларга қўчиб “Айик ўйини”, “Дев ўйини”, “Маймун ўйини”, сўнгра “Пишиқ ўйини”, “От ўйини”, “Юмрон қозиқ ўйини”, “Ечки ўйини”, “Бўри

ўйини”, “Калтак ўйини”, “Бургут ўйини”, “Ит ўйини (иррилатар ўйини)”, “Қуён ўйини”, “Тулки ўйини”, “Жак-жаку ўйини” каби күпгина ўйинлар, пантомималари авлоддан-авлодга ўтиб сүяк суреб келаётгани маълум. Улар бевосита, ёхуд билвосита болалар фолклор ўйинларига алоқадордир. Шу тариқа “ўйин” сўзи туркий халқарининг ўйнамоқ сўзи билан боғлиқ ҳолда (уй, ақл, хикмат маъноларни беради). Ақл фахимни, ҳаракат ва имо-ишоралар воситасида ифода этмоқлик эса ўйинларнинг дунёга келишида муҳимдир.

Ўзбек анъанавий болалар фолклор ўйинларининг мавзу қамрови, ижро услублари жуда кенг. Ижтимоий ҳаёт, кишилар муносабатларининг бирон бир жабхаси йўқки, улар ўйинлар назарига тушмаган бўлсин. Халқимизнинг деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, полизчилик, маданияти дейсизми, касб-хунар ва илим-билим соҳаси дейсизми, фалсафий, эстетик, ахлоқий ёхуд таълим-тарбия, ахлоқ-одоб бобидаги қарашлари дейсизми-барчаси анъанавий ўйинларга мавзудир. Хусусан, ўзбек болалар фолклор ўйинлари бошдан оёқ маънавий, маърифий, ахлоқий тушунчалар билан йўғрилган. Халқимизнинг минг-минг йилларда босиб ўтган тарихий йўлида, тажриба-синовлардан қайта-қайта ўтиб, яхлит ва мукаммал холга келиб, бизга етиб келган болалар фолклор ўйинларнинг мазмуни йўналишига қараб қуидагига турларга бўлиш мумкин.

Тарихий маънбаларга қараганда, кечки полеолит даврида (таксинан милоддан 40-41 минг йил илгари) ер юзининг шимолий қисмида Тотемга оид “Айиқ байрамлари” бўлган. Тотем – айиққа бағишлиланган афсоналардан бу байрам ҳақида баъзи маълумотларни топиш мумкин (уларнинг бирида айиқ одамларни офатдан сақлаб қолади, бунинг эвазига қабиланинг энг гўзал қизини айиққа турмушга беришади. Улар ўртасидаги тўй тасвиридаги “Айиқ байрамига” оид баъзи элементларини билса бўлади). Шуни эслаб ўтиш керакки, “Айиқ байрамларининг вариантлари ва элементлари Сибир халқаларининг баъзиларида XX аср бошларида ҳам сақланган ва бундай байрамларда айиқ образидаги киши бош қаҳрамон бўлиб, у айиқ ҳарактерини

қилиб, рақсга тушиб юрган. Ўрта Осиёда эса “Айик ўйини” (понтомимик рақс сифатида) кейинги вақтларга етиб келган. Хатто ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон Республикаси худудида ва шунингдек Туркия, Хиндистон, Кавказ каби жойларда кўчаларда айик ўйнатиб юрган одамни яъни айиқчини кўриш мумкин. Улар одамлар говжум жойларда кичик томоша кўрсатиб юришади. Балки бу қадимги айик ўйинидан бизгача етиб келган элементларнинг бир бўлаги бўлиши ҳам мумкин.

Меҳнат тақсимотининг вужудга келиши муносабати билан қадимги одамларнинг чорвачилик ва дехқончиликка ўтиши (Бу жараён Ўрта Осиёда милоддан олдинги ИИИ- минг йиллик охири ИИ- минг йиллик бошларига тўғри келади) ана шу янги соҳага оид одат, маросим ва ўйинларни вужудга келтира бошлади.

Маълумки, дехқонларнинг ҳаётида энг қувончли воқеа-бу ҳосилни йиғиш ва янги ноз-нематларни тотиб кўриш жараёни бўлган. Йил бўйи кутилган бундай жараён, табиатни, дехқонларда байрам кайфиятини вужудга келтирган. Бундай кўтаринки кайфиятни ҳаракатларда акс эттириш мақсадида кишилар ўйинлар ва маросимларни ташкил қилган, “Меҳнат ўйинлари” яхши кайфият, кенг маънода айтганда, байрам ҳолатини вужудга келтирган. Бронза даврларидан бошлаб ўтрок дехқончиликнинг вужудга келиши ва унинг тез ривожланиши натижасида баҳорда меҳнат мавсумига киришиш, кузда ҳосилни йиғиб олиш якунига бағищланган байрамлар ва ўйинлар шу тариқа юзага келиб, улар йиллар ўтиши билан анъанага айлана бошлаган. Демак инсонинг “Биринчи касби” - овчилик асосида – “Овчилик ўйинлари” вужудга келган бўлса унинг дехқончиликка ўтиши ва у билан шуғулланиши натижасида “Меҳнат ўйинлари” шаклланиб, янги меҳнат ўйинлари ва байрамлари учун замин яратган.

Аду Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлари” асари муҳим рол ўйнайди. Аниқса “Наврўз” кунларида ҳар хил мусобақалар ва ўйинлар “Кўпкари кураш”, “Екин экиш”, “Хўроздар жанги”, пойга байрамининг кўрки саналган. Шу билан бирга бедана, хўroz, қўчқор

уриштириш ўйинлари ҳам ўтказилган. Шунинг учун ҳалқ ўйинларининг дастлабки намуналари инсоният онги, тафаккури билан боғлиқдир. Унинг пайдо бўлишида ўша давр шарт-шароитлари, одамларнинг ов ва турмуш тажрибалари, дунё қараши, урф-одат ва маросимлари асосий рўл ўйнаган. Аввало оддий оғзаки баёнинг дастлабки намуналари пайдо бўлган. Улар нихоятда содда бўлиб, турли хилдаги ундов хитоблар ва воқеалар баёнидан иборат бўлган. Ов жараёни ҳамда тафаккурнинг ривожланиши воқеа ва ҳодисалар талқинида оддий баёнидан образли тасвиrlашга олиб келди.

Енг қадимги ҳалқ ўйинлари намуналари ёзув юзага келмасдан анча илгари пайдо бўлган. Илк ҳалқ ўйинлари асл ҳолда, тўлалигича бизга етиб келмаган. У отадан – болага, авлоддан-авлодга ўтиб ҳар бир ўйин турли хил ижтимоий-иктисодий босқичларни босиб ўтганлиги сабабли унинг шакли ва мазмунида янги-янги вариантлари юзага келган.

Ҳалқ ўйинларининг энг қадимги намуналари баъзи тарихий ёдгорликлар, илмий асар ва ёдномалар орқалигина бизга етиб келган. Энг қадимги ўйинлар, жангномалар, мифлар, афсона ва ривоятлар, қахрамонлик эпослари, саноқлар, рақслардан ташкил топган. Жаҳонга машхур бўлган олим, тиббиёт илмининг буюк номояндадаридан бири Абу Али ибн Сино тиббиётда жисмоний машқларнинг рўли катта эканлигини илмий асослаб, ўша вактларда ёк ҳалқ миллий ўйинлари ва миллий кураш ҳақида қимматли фикирларни ёзиб қолдирган. Масалан, у қуйидаги ўйинларни “Ёйдан ўқ отиш”, “Кичик қуролар билан човғон ўйинлар”, “Бир оёқда сакраш”, “Юқоридаги бир нарсага иргиб осилиш”, “Найза отиш”, “Тош кўтариш” ва шунга ўхшаш ўйинларни ёзиб қолдирган. Унга теварак-атрофидаги шахслар сен билимдон ва ақлли ўзинг болаларга ҳар хил фанлардан билим берасан у, яна улар билан ўйнайсан, деганлар, Ибн Сино бундай танқидий мулоҳазага: “Инсон ҳаётининг ҳар бир даври ўзининг гўзаллигига эга. Болаликнинг хусусияти эса ўйин” деб жавоб берган эди. XI асрда яшаб, ижод этган Маҳмуд Кашғарий “Девону луғати - турк”, яни туркий сўзлар девонини тузиб чиқди, унда ҳалқ ўйинларининг 150 га яқин турлари тилга олинади ва

шундан 20 га яқин ўйинларга таъриф берилади. Олим ўйин турлари, ўйинларнинг бола ва катталарнинг ёш хусусиятларига нисбатан тақсимоти, машғулот, мусобақа турларини баён қиласи. Махмуд Қашғарий баёнида ўйинлар нафақат жисмоний, балкий ақлий машғулотларга ҳам бўлинадики, улар диққат билан ўрганилишга лойиқ.

Ҳозирда биз “Спорт мусобақалари” - деб кўллаб юрган ибора, Махмуд Қашғарий девонида “бахс” атамаси билан берилган. Бундай “бахслар”нинг турлари кўп бўлган. Масалан, мерганликда бахс қилмоқ, ўқ ёй отиб қуш ва ҳайвонларни овламоқ, шунингдек, арқон тахтали сопқонларда тош отмоқ бахси. Буни “Олтин қовоқ” ўйини деб атаганлар. Девонда бундай бахсларнинг қоида ва шартлари, хиллари, ғолибларга бериладиган совринлар, асбоб-анжомларнинг номлари беш фасил баён этилган Куриш бахси ҳам турлича бўлган, чунончи, боғдоди, чалиш, енг силкиш, буйин қайтариш, балиқ ови, овчилик бахслари шулар жумласидандир.

I.2.Ҳаракатли ўйин ҳақида асосий тушунча.

Ўйин – тарихий ташкил топган ижтимоий воқеа, мустақил фаолият тури, кишига хосдир. Ўйин фаолияти жуда ҳам турли-тумандир: ўйинчоқлар билан ўйналадиган болалар ўйинлари, стол ўйини, доира бўлиб ўйналадиган ўйин, ҳаракатли ўйинлар, спорт ўйинлари. Ўйин ўзи-ўзини билиш воситаси, ўйин-кулги, дам олиш, жисмоний ва умумий ижтимоий тарбия воситаси, спорт воситаси бўлиши мумкин.

Ўйин маданияти элементи сифатида жамиятни барча маданияти ва кишиларнинг ҳар хил эхтиёжлари билан ривожланади: ўйин-кулги, дам олишда, маънавий, ақлий ва жисмоний кучни ривожланишида катта ўрин эгаллайди.⁴

Ўйин фаолияти- нафақат маданиятни бир элементи ҳисобланади, балки у болалар ва ўсмирларни тарбиялашда ҳам фойдали восита ҳисобланади. У

⁴ Islamov A. O‘zbek xalq o‘yinlari va ularning darsda qo‘llanishi.// Xalq ta’lim. - Toshkent: 1992. № 4-5. – В. 13-14.

хар доим мақсадга йўналтирилган ва турли-туман мақсадли йўл-йўриқ ҳамда асосланган ҳаракат билан ўзига хос хусусиятни кўрсатиб туради. Ўйин фаолияти қўпроқ меҳнат билан умумийликка эга, айниқса болалик даврида. Бироқ ўйин жараёнида ҳаётий эҳтиёжларни қондириш учун киши моддий бойликни яратоолмайди.

Ўйин-жуда ҳам қувноқ жўшқин фаолиятидир, шунинг учун у ёшлар ва болалар билан тарбиявий иш олиб борища катта бойлик касб этади. Ўйинни турли-туманлиги катта-кичилар орасида айниқса ўсмирлар ва болалар ўртасида энг кенг тарқалгани бу ҳаракатли ўйинлардир. Улар эса ушбу ўқув қўлланма фани ҳисобланади.

Ҳаракатли ўйинларни ўзига хос фазилати ўйинни мазмуни ҳаракатни рўлини ёрқин ифода қилиш ҳисобланади (югуриш, сакрашлар, улоқтириш, отиш, тўпни узатиш ва илиб олиш, қаршилик кўрсатиш ва б.к). Бу ҳаракатлантирувчи ҳаракатланиш уни мазмунини асослаб беради (мавзу, гояси). У ўйинда қўйилган мақсадга эришиш йўлида, турли-туман қийинчиликларни, тўсиқларни енгигб ўтишига йўналтирилади.

Ҳаракатли ўйинларни орасида ҳақиқатдан ҳам (елементар) ҳаракатли ўйинлар ва спорт ўйинлари билан фарқ қиласи. Ҳақиқатдан ҳам (елементар) ҳаракатли ўйинлар ўйновчиларнинг ўзларини ихтиёрий равища ўрнатилган, мақсадга шартли равища эришишга йўналтирилган, ўзида онгли равища ташаббускорлик фаолиятини мужассамлаштирган бўлади. Ўйновчиларнинг мақсадга эришишда фаол ҳаракатлантирувчи ҳаракат талаб қиласи, уни бажариши ўйновчиларни ўзларининг ижод қилишига ва ташаббускорлигига боғлиқдир (нишонга тезда югуриб бориш, нишонга тез отиш, “Рақибига” тез ва эпчиллик билан етиб олиш ёки ундан қочиб кетиш ва х.к).

Ҳаракатлантирувчи ҳаракатли ўйин қоидалари билан белгиланади, уни бажарилишини ўйинчилардан ташаббускорлик хулқини ўрнатилган қоидалар чегарасида мос келишини талаб қиласи. Ўйин қоидаси мақсадга эришиш йўлида ўйиндаги қийинчиликларни ва тўсиқларни характеристини

аниқлайди. Қоидани сони ва мураккаблиги жихатдан ўйинни ўзининг мураккаблигига боғлиқдир.

Ҳақиқатдан ҳам ҳаракатли ўйинлар ўйин қатнашчиларидан махсус тайёргарликни талаб қилмайди. Шунинг учун ўйин қоидаси ўйин қатнашчиларини ва раҳбарларни (ўқитувчилар) ўзлари ўтказилаётган ўйинни шароитига қараб уни ўзгартириб борадилар. Чунки унда ўйновчиларни аниқ белгиланган сони, майдонни аниқ катта кичикилиги йўқ, шунингдек асбоб-анжомлар ҳам ўзгартириб турилади (булава ёки кегли, волейбол ёки оддий тўп, кичик коптоклар ёки қум солинган халтачалар, гимнастика ёки оддий таёқчалар ва х.к.).

Спорт ўйинлари – бу ҳаракатли ўйини энг юқори босқичидир. Бунда ўйин қоидаси қаътий белгиланган бўлиб, улар махсус майдонга ва жиҳозларни талаб қилинади. Спорт ўйини учун ўзига хослиги ўйин жараёнида маълум тактикада ўзини тутиши ва мураккаб ҳаракат техникиси ҳисобланади. Бу эса ўйин қатнашчиларидан махсус тайёргарликни, тренировкани талаб қиласди. Ҳар бир спорт ўйини белгиланган ўйинчиларни сонига, маълум майдонча, асбоб – анжомлари ҳисобланади.

Айрим спорт ўйинларида айрим ўйинчиларда мутахассислиги бўлиши зарурдир (хужумга, ҳимояга, дарвозабон ва б.к). Спорт ўйинлари у ёки бу ўйинда қаътий қоидага мос равишда махсус ҳакамлик қилишни талаб қласди. Айрим спорт ўйинларида ўйин қатнашчилари таркибиға қараб бир неча марта (ўқувчилар ёки катталар, эрқаклар ёки ўсмир қизлар) ўзгаририлиши мумкин.

Спорт ўйинлари спорт тури ҳисобланади. Булар бўйича ҳар хил даражадаги мусобақалар ўтказилади. Натижада спорт ўйинлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларда энг яхши ўйинчиларга спорт разрядлари ва унвонлар берилади.

Айрим ҳаракатли ўйинлар (Масалан, “Лапта”, “Волейбол” ва б.к) машғулотни мақсади, кўрсатмаси ва уни ташкил қилиш усусларига боғлик

холда, айрим ҳолатларда ҳақиқатдан ҳам ўзи характерига қараб ҳаракатли (элементлари) ўйин деб юритилади, бошқалари эса спорт ўйинлари сифатида ўтказилади. Масалан, ўйин қатнашчилари тасодифан йиғилиб қолганда (дам олиш ўйинларида, сайдларда) улар ҳақиқатдан ҳам ҳаракатли ўйин характерига эга бўлади.⁵

Ҳаракатли ўйинлар ёшларни, болаларни умумий жисмоний тайёргарлик воситаси сифатида фойдаланилади, шунингдек спорт ўйинларига ва бошқа спорт турларига ва “Алпомиш” ва “Барчиной” тест меъёrlарини топширишга тайёрлаш воситаси бўлиб ҳам ҳисобланади.

Ҳаракатли ўйинлар ўзига хос бўлиши мумкин (якка тартибда), у ҳаммадан кўпроқ тез-тез болаларни ўзлари томонидан (тўп ўйини, арғамчи билан, чамбаракни айлантириш ва б.к) ташкил этилади. Улар тарбиячи педагог ва етакчилар томонидан болаларни фаол дам олишини ташкил қилиш мақсадида фойдаланиши мумкин (танаффусда, куни узайтирилган гурухда ва бошқа ҳолатларда).

Жамоа бўлиб ўйналадиган (гурух) ҳаракатли ўйинлар алохида педагогик аҳамиятга эга бўлади, чунки уларда ўйновчи гурухлар, синфлар, звенолар, бўлимлар, спорт сексиясида шуғулланувчилар қатнашадилар.

Жамоа бўлиб ўйналадиган ҳаракатли ўйинлар ҳар доим мусобақалашиш элементи ўзига хос бўлиб (ҳар бир киши ўзи учун ёки ҳар бир киши ўз жамоаси учун), шунингдек белгиланган мақсадга эришишида қизиқишини ўйғотишда бир-бирига ёрдам бериш, ўзаро ёрдамдан иборат бўлади. Жамоа ўйинлари учун ўзига хослиги шундаки, ўйинда ҳамма вақт ҳолатни ўзгариб туриши, ўйинчилардан тезлик реаксиясини талааб қилинадиган бўлади. Шунинг учун ўйин жараёнида ўзаро муносабат ҳар доим ўзгариб туради: ҳар бир киши ўзи учун ёки ўзининг жамоаси учун “Рақибларини” нисбатан энг қулай ҳолатни яратишга интиладилар.

⁵ Raximov M.M. Boshlang‘ich sinflar jismoniy tarbiyasida xalq jismoniy madaniyati. Ped. fan. dok. ilmiy. dar... dis. avtoref. T.: 1995, - 33-34 b.

Ҳаракатли ўйинлар бўйича мусобақалар ўтказилади. Уларни алоҳида ўйинлар бўйича ўтказиш мумкин, ўйинга қўйилган вазифа тахминан бир хил синфлар бир хил ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларига мос келиши керак. Бироқ ҳаракатли ўйинлар мажмуаси бўйича мусобақа ўтказишни педагогик қиймати шундаки, бунга ҳар хил жисмоний сифат ва малакаларни тарбиялашга ёрдам берадиган, турли-туман ўйинлар киритилади. Ҳаракатли ўйин мажмуаси бўйича ўтказиладиган мусобақада ҳар хил ёшдаги болалар, ўсмирлар, ёшлар ва катталар қатнашишлари мумкин, бироқ ўйиндаги вазифа ҳар хил бўлиши мумкин.

Ҳаракатли ўйин бўйича ўтказиладиган мусобақадаги бу жузий ўзгариш, спорт ўйинлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларга кўра улар бир мунча фарқ қиласди, чунки спорт ўйинларида қаътий белгиланган шароитда ва қоида бўйича ўтказишни талаб қилинади.

Ҳар бир ҳаракатли ўйин ўзининг мазмuni шакли (тузилиши) ва методик хусусиятига эгадир. Ҳаракатли ўйинларни мазмuni қўйидагилардан иборат: мавзу ёки мазмун (ифодали ёки шартли ўйлаб қўйилган иш, ўйин режаси) мақсадга эришиш учун ўйинга кирадиган, ҳаракат ва қоидадир.

Ҳаракатли ўйинларни шакли - қўйилган мақсадга эришиш усулларини кенг танлаш имкониятига эга бўлиши, ўйин қатнашчиларини ҳаракатини ташкил қилишдир. Ўйин қатнашчилари бир хил ўйинларда ўзининг шахсий қизиқишиларига эришиш учун якка ёки груп бўлиб ҳаракат қиладилар бошқаларида эса ўзларининг жамоаларини, ўзларининг командаларини қизиқишиларини ҳимоя қиладилар. Шунингдек ўйин учун ўйновчилар ҳар хил тузилишда ёки шаклда турадилар (сочилиб ёки тарқалиб, доирада, сафда, қаторда). Ўйин шакли мазмuni билан боғлиқ равишда келиб чиқади.⁶

Ўйинни методик жихатдан ўзига хос хусусиятига уни мазмuni ва шаклига боғлиқдир. Ҳаракатли ўйинлар методик жихатдан ўзига хос бўлади:
а) жонлилиги; б) чегараланган қоида бўйича мақсадга эришишда мустақил

⁶ Usmonxo'jaev T., Meliev X. Milliy xarakatli o'yinlari. Toshkent: 2000. -114b.

харакат қилиш; в) қоида билан мос равища ижодий ташаббускорлик билан харакат қилиш; г) ўйиндаги алохидар рўлларни бажариш, уни мазмунига мувофиқлиги, ўйин қатнашчиларини жамоадаги маълум даражадаги ўзаро муносабати ўрнатилади; д) тўсатдан ўйинда ўзгариб қолиш ҳолати бу эса ўйинчилардан ташаббускорликни, тез реаксияни талаб қиласди; й) ўйиндаги мусобақа элементлари ўйинда жўшқинликни (емотсионалност) оширади ва кучни тўлиқ сарф қилишни талаб қиласди; ж) ўйинда келиб чиқадиган “Келишмовчиликларни” хал этишда қарама-қарши томонлар манфатларини бир-бирига зид қўймоқ эса, юқори даражадаги жўшқинлик тонусини яратади;

Ҳаракатли ўйинлар нафақат восита бўлади, балки болани жисмоний тарбия методи бўлиб ҳам ҳисобланади. Тарбияда ўйин методини тушунчаси ўйин методикасини ўзига хос хусусиятини инкор қиласди, яъни бу бошқа тарбия жихозларидан уни методи муносабатда бўлишида фарқланади (мусобақа элементи, сюжетни мавжудлиги, мақсадга эришишни турли-туман усуллари, нисбатан мустақл ҳаракати).

Ўйин методи айниқса мураккаблашган ўзгартирилган шароитда ҳаракатни комплекс такомиллаштириш учун фойдаланилади. Ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия ва ўйин методи воситаси сифатида жисмионий сифатларни такомиллаштиришга ва тарбиялашга ёрдам беради. Бундан ташқари ҳаракатли ўйинларда гимнастика, енгил атлетика, чанғи ва бошқа спорт турлари машғулотларида алохидада малака ва кўникмаларни ҳамда таббий ҳаракатларни мустахкамлайди ва такомиллаштиради.

I. 3. Ҳаракатли ўйинни ташкил қилиш ва ўтказишга қўйиладиган педагогик талаблар.

Ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказишда ғоявийлик, илмийлик ва ўйиндан фойдаланиш режага асосланганлигини, тарбиявий, таълимий ва соғломлаштириш натижаларига йўналтирилганлиги ҳисобга олиш зарур. Ўйинни ўтказишда раҳбарлик ёки йўл кўрсатувчи рўли педагогика, тарбиячи, ёрдамчиларга тегишли бўлиши керак. Ўйин тарбиявий, таълимий ва соғломлаштиришни катта аҳамиятга кўпроқ уни бошқаришга

боглиқ бўлади. Битта ва шунга ўхшаш ўйинлар ёрдамида турли-туман ахлоқий ва жисмоний сифатларни тарбиялаш мумкин.⁷

Биринчидан шуғулланувчиларга ўйини таъсир этишини аниқланади (мазмуни, ҳаракатланиши, ўйин қоидаси), иккинчидан методик усуллари билан бола уни ёрдами билан ўйинларни эгаллайди, учинчидан, ташкил этиш услублари.

Ўйини мазмуни болалар уйда, мактабда, болалар боғчасида билим ва малакаларини эгаллаши, атрофни ўраб турган муҳитга боғлиқдир. Шунинг учун ҳар хил ёшдаги болаларда ўйинда ҳар хил ўйин мазмунига кўра, худи шундай уни ўтказиш усули бўйича турлича ривожланади. Болани жисмоний ривожланиши ўйин ёрдамида хоҳлаган йўналишда ва бошқа жисмоний машқларни турлари мумкин қадар факат мақсадга йўналтирилган ҳолда ва доимо педагогик раҳбарлик қилинганда амалга оширилади.

Улар мазмуни ва мураккаблиги бўйича жуда ҳам турли тумандир:

А) Оддий командализ ҳаракатли ўйинлар, бунда ҳар бир ўйин қатнашчиси, ўйин қоидаларига риоя қилган ҳолда, битта ўзи учун курашадилар. Улардаги барча ўйин фаолиятини шахсий такомиллаштиришга, бошқалар устидан эпчиллик, аниқ нишонга тегизишда, кучда, тезкорликда ва бошқа сифатлар бўйича шахсан устунликка эришишга, йўналтирилган. Бу ўйинларда энг асосий ахамият шахсий ташаббускорликни ва ҳаракат имкониятини, ўзининг шахсий сифатларидан фойдаланишини билиш мақсадга мувофиқдир.

Б) Кўпроқ муракаб, командали ўйинларга ўтишга оид ҳаракатли ўйинлар, бунда ўйновчилар биринчи навбатда ўзларини қизиқишиларини ҳимоя қилишга айrim пайтларда шахсий имкониятларини, ўртоқларига ёрдам бериш, уларни кутқариб қолиш бўйича, уларни ўйинда хужумчилардан кутқариб қолишга ёрдам берадилар (“Петначи қўлингни бер”, “Югуриб ўтиш”). Баъзи вақтларда ўйинчилар мақсадларига эришиш учун бошқа

⁷ Usmonxo'jaev T., Xodjaev F. 1001 o'yin. Ibn sino. Toshkent: 1990. – 312-321b.

ўйинчилар билан вақтінча ҳамкорликда ишлашга киришишлари мүмкін. Айрим ўйинларда бундай ҳамкорлик қилиш қоида бўйича назарда тутилган (“Оқ айиклар” ва “Товон балиқ ва чўртон балиқ”).

В) Командали ҳаракатли ўйинлар – бунда ўйновчилар алоҳида – алоҳида команда-жамоаларни ташкил этадилар. Улар ўзларининг шахсий қизиқишиларининг командани қизиқишига бўйсиниш, умумий мақсадга эришишга йўналтирганлиги, командани биргаликдаги фолияти билан таърифланади. Ҳар бир ўйинчини ҳаракатидан командани барча мувоффақияти ҳар бир ўйинчини ҳаракатига боғлиқ бўлади. Команда ўйинларида тез-тез ҳаракатни ўзаро мослиги ва ўйинга умумий раҳбарлик қилиш учун ўйновчиларни орасидан жамоа сардорларини ажратишга имконият пайдо бўлади, бу эса барча учун бўйсиниш мажбурий хисобланади.

Командали ўйинлардан айримлари ярим спорт ҳарактерига эга бўлади: улар кўпроқ ўйини техникаси, ҳаракат техникаси бўйича мураккаб бўлиб ва маълум қоида бўйича ўтказилади. Баъзи бир ўйинларда маҳсус рўллар талаб қилинади. Айрим тўпламларда бундай ўйинлар ярим спорт ўйинлари деб аталади (“Пионербол”, “Тўп капитанига”, “Лапта”).

Ҳаракатли ўйинларни гурӯҳларга бўлиши (оддий таснифи)

Педагогик ишда ҳаракатли ўйиниларни кенг қўлланилишини иш шароитини ҳисобга олиш билан ҳар хил педагогик вазифаларни хал этиш учун ўйинни маҳсус танлаб олишни талаб қилинади. Бунинг учун маълум белгилар бўйича олишни талаб қилинади. Бунинг учун маълум белгилар бўйича ўхшаш бўлган ўйинни ишчи гурӯҳини ташкил этилади.

Ўйинлар қўйидагича тақсимланади:

1. Уларни мазмунига кўра мураккаблик даражаси бўйича. Оддий ўйинлардан то мураккаб ўйинларгача (ярим спортга).
2. Болалар ёши бўйича ўзига хос ёш хусусиятларни ҳисобга олиш (7-9,10-12,13-15 ёшли болалар учун ўйинлар). Бу белгилар умумий таълим

мактаблари учун жисмоний тарбия дастурида фойдаланилган (1-4,5-9 – синфлар учун).

3. Унда кўпроқ келадиган, ҳаракат турлари (умумривожлантирувчи машқ элементлари билан ўйналадиган ўйинлар, югуриш, баландликка сакраш билан ўйнаш, турган жойдан ва югуриб келиш билан ўйнаш, ҳаракатланувчи ва ҳаракатланмайдиган нишонга улоқтириш билан ўйнаш, коптокни ошириш ва илиб олиш билан ўйнаш).

4. Ўйинда кўпроқ намоён қилинадиган жисмоний сифатлар (куч, чидамлилик, эпчиллик, тезлик, эгилувчанликни кўпроқ тарбиялашга ёрдам берадиган, ўйинлар). Ҳамаси бўлиб бу сифатни тез-тез бирга қўшиб бажарилганда намоён бўлади. Ўйинни ҳаракат турлари ва жисмоний сифатлари бўйича тақсимлашни асосан жисмоний тарбия бўйича машғулотларни барча шаклларида фойдаланилади.

5. Алоҳида спорт турларига тайёрлайдиган ўринлар у ёки бу спорт турларига зарур бўлган, жисмоний сифатларни тарбиялашда, айrim техника ва тактика элементларини мустахкамлаш ва такомиллаштиришда фойдаланиладиган ҳаракатли ўйинлар.

6. Ўйновчиларни ўзаро муносабатига боғлиқ бўлган ўйинлар. а) ўйинчилар тўғридан-тўғри “рақиби” билан бир-бирига тегмасдан ўйналадиган, ўйинлар; б) “рақиби” билан бир-бирига тегиш чегараланган, ўйинлар; а) “рақиб” билан тўғридан-тўғри курашадиган ўйинчилар, айrim педагоглар, ўйновчиларни ўзаро муносабати бўйича ўйинларни тақсимлаб, уни “оддийга” бўлдилар, бунда ҳар бир мақсад кетидан юриб бошқаларга нисбатан муносабатсиз бўлади ва “мураккаб” ўйновчиларни гурухларга, командаларга, бўлимларга бўлинеш билан ўйналадиган, бунда ҳар бир ўйинчи ўзларини командаларига эътибор беради.

Турли-туман иш холатида уни кўпроқ тўғри танлашга ёрдам берадиган бошқа ҳар хил белгилар бўйича гурухларга ажратиладиган ўйинлар:

а) машғулотни ташкил қилиш шакли бўйича (дарсда, танаффусда, ииғилишларда, байрамларда ўтказиладиган ўйинлар); б) матор зичлиги

хусусияти бўйича (катта, ўртача ҳаракатчанлик ва кам ҳаракатли ўйинлар); в) иш жойларини ва мавсумларни ҳисобга олиш билан ўйналадиган ўринлар (ёзда, қишида, бино ичида, очик ҳавода ўйналадиган ўйинлар).

Ҳар хил иш шароитида қўйилган педагогик вазифани ечиш мақсадида ўйинлар кўпроқ батафасил тақсимлаш учун бир вақтда ўзида тўлиқ бир қатор белгиларни ҳисобга олинади, унинг энг асосийлари: болаларни тайёргарлиги ва ёши, ўсмирлар, ўйинга кирувчи, ҳаракат турларини ушбу ўйинлар у ёки бошқа ахлоқий-иродавий ва жисмоний сифатларни кўпроқ намоён қилиш, ўйинда ўйновчиларни ўзаро муносабат принципларидир.⁸

Професор В.Г. Яковлев ўйинларни алоҳида гурухларини бирлаштириб, ўйин қатнашчиларини ўзаро ҳаракати ва ўзаро муносабати принципларидан келиб чиқиб, жамоа бўлиб ўйналадиган ҳаракатли ўйинларни педагогик таснифини таклиф қилди.


Ушбу тасниф педагогни болаларда жамоани қизиқишини тарбиялашга ийўналтиради.

Бундай ўйин материалларини тақсимланиши айрим ўйинлар орасидаги методик кетма-кетликни ёки изчиликка ўрнатишни енгилаштиради ва ўйинни мазмуни ва шакли бўйича мураккаблик даражасини аниqlашга ёрдам беради.

Бизнинг мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш амалиёти шунга гувоҳлик берадики, болаларда ва ўсмирларда юқори ахлоқий ва жисмоний сифатларни шакиллантиришни энг муҳим воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Айниқса мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшдаги болаларни жисмоний тарбиясида жуда катта ўрин эгаллайди, чунки улар саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашда, жисмоний ривожланишни нормал бўлишига ҳаракат малакаларини комплекс такомиллаштиришга қулайлик туғдиради.

⁸ Usmonxujaev, Xodjaev F. Xarakatli o‘yinlar. - Toshkent: O‘qituvchi. 1992. 180 16.

ЖАМОА БЎЛИБ ЎЙНАЛАДИГАН ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ПЕДАГОГИК ТАСНИФИ.



П-БОБ. АҲОЛИ ТУРАР ЖОЙЛАРИДА ОММАВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Аҳолининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган эътиёжларини ўрганиш.

Аҳолининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган эътиёжларини ўрганиш.

«Маҳалла» жамғарма уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Маҳалла оқсоқоллари кенгашларининг фаолиятида жисмоний тарбия ва спорт ишларининг мазмун вазифалари.

«Наврӯз», «Мустакиллик куни» байрамлари ва бошқа миллий анъаналарда халқ миллий ўйинларини ташкил қилиш.

Спорт турлари ва халқ миллий ўйинлари бўйича жамоалар, тўгараклар ташкил қилиш.

Дам олиш масканларида спорт лагерлари, истироҳат ва кунгил очиш боғлари ва ҳоказолар соғломлаштириш ишлари.

Аҳолининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш

Буюк келажак авлодларини ақлан етук, жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш муаммолари барча давлат ва жамоат идоралари зиммасига юқлатилган. Бундай кенг қамровли ва масулиятли тарбиявий жароёнларни амалга оширишда маҳалла оқсоқоллари кенгашлари, уларнинг таркибидаги турли комиссиялар, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт фаолларининг уюшмалари (жамоалари) ҳам катта рўл ўйнайди. Буларнинг замирида «Соғлом авлод учун» давлат дастури мазмuni мухим аҳамиятга эгадир.⁹

Аҳолининг жисмоний бақувват бўлиши ва узоқ умр куриши соғлом турмуш маданияти билан белгиланади. Бу борада Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистоннинг чинакам мустакилликка эришишидан иборат ривожлантиришнинг қўйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади. Аввало, у аҳолининг миллий тарихий турмуши ва тафаккури тарзидан, халқ,

⁹ Usmonxo‘jaev,I.I.Burnashov,H.A.Meliev, B.B.Qupchoqov “500 Harakatli o‘yinlar” Toshkent-2010 250bet

анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади» деган мурохазалари эътиборга лойикдир. Айниқса, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни. «Соғлом авлод учун» давлат дастури, «Алпомиши» ва «Барчиной» маҳсус тестларининг ишлаб чиқилиши ҳамда уларнинг ҳаётга татбиқ, қилиниши жисмоний тарбия ва спорт ҳодимлари зиммасига аҳоли ўртасида соғломлаштириш ва спорт тадбирларини янада ривожлантириш масъулияtlарини юклайди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши шарофати туфаили маҳаллалар, даҳалар, мавзелар, йирик қишлоқ, қўрғонларида (посёлкалар) аҳолини жисмоний тарбия, спорт, халқ миллий ўйинлари ҳамда оммавий соғломлаштириш ишларига жалб қилиш анча ривожланди.

Мамлакатда миллий қадриятларнинг қайта тикланиши, уни янада бойитишда маънавий-маърифий тадбирларнинг олиб борилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Аҳолининг ижтимоий турмуш даражаси тобора яхшиланмоқда. Бунда ўтказиладиган турли спорт мусобақалари, халқ миллий ўйинлари фестиваллари катта ҳисса қўшмоқда. Бу аҳолининг жисмоний тарбия ва спортга эҳтиёжи ошаётганидан далолатdir. Ҳар йилги мустақиллик куни ҳамда «Наврӯз» байрамларидаги оммавий сайллар, спорт мусобақалари бунинг исботидир. Республика ҳукуматининг қарорлари, турли кўрсатмалар асосида маҳаллалар ва бошқа аҳоли истиқомат жойларида жисмоний тарбия ва спортни жонлантириш ишларида маҳалла кенгашлари, спорт ташкилотлари ҳодимлари, спорт фаоллари билан ҳамкорликда иш тутмоқда.

Шаҳарлар ва кўрғонларнинг аҳолиси ўртасида спартакиадалар, халқ миллий ўйинлари мусобақаларини ўтказиш анъанага айланмоқда. Бунда спортнинг футбол, кураш, арқон тортишиш тош қўтариш, енгил атлетика каби турлари оммавий тус олди. Бу тадбирларга жисмоний тарбия ва спорт соҳасида таълим олаётган талабалар жалб қилиниб, ташкилий ишларда улар фаоллик кўрсатадилар.

Эътироф этиш керакки, бир қатор мутахассислар аҳоли турар жойларида соғломлаштириш ва оммавий спорт тадбирларини ташкил қилишнинг намунавий дастур ҳамда иш режадарини ишлаб чиқсанлар. Тошкент шахри шароитида бир қатор усулий ишланмалар ишлаб чиқилган. Буни қуидагича исботлаш мумкин:

Маҳалла оқсоқоллари кенгашлари қошидаги жисмоний тарбия жамоаси кенгаши ёки спорт клуб мажлислари режаси (намуна сифатида).

Январ. 1. Жисмоний маданият жамоаси кенгашининг мажлислар режасини тасдиқдаш.

«Саломатлик» спорт клубини ташкил этиш.

2000 йилги соғломлаштириш ва оммавий спорт тадбирлари календар режасини тасдиқдаш.

Подъезлар, кўчалар ва уйларнинг жисмоний тарбия командаларини тасдиқдаш.

Феврал. 1. Спорт иншоотларини ёзги мавсумга тайёрлашнинг бориши тўғрисида

Жамоатчи кадрлар тайёрлашнинг бориши, шу мақсадда семинарлар ўтказиш ҳамда бундай кадрлардан амалий фойдаланиш хусусида.

Хар хил масалалар.

Март. 1. Спорт турлари бўйича тўгараклар, жамоалар ишини ташкил этиш ҳамда уларга жамоатчи фаолларни бириктириб қўйиш тўғрисида.

Хомийликка олган корхона жисмоний тарбия жамоасининг аҳоли турар-жойларида ишларда иштироки ва амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида.

Хар хил масалалар.

Апрел. 1. Миллий ўйинлар бўйича мусобақа ўтказиш тўғрисида.

«Чарм тўп» клуби соврини учун футбол мусобақаларига тайёргарлик режаси тўғрисида.

Хар хил масалалар.

Май. 1. Аҳолини жисмоний тарбиялаш, «Соғлом авлод учун» давлат дастури ҳамда «Алпомиши» ва «Барчиной» махсус тестлари асосида мусобақалар ўтказиш тартиб- қоидаларини тасдиқдаш.

2. Жисмоний тарбия ва спорт ишларини энг яхши йўлга қўйган мавзелар, кўча ва уйларнинг кўрик-танловларини ўтказиш Низомини тасдиқдаш.

Июн. 1. Сузиш ва соғломлаштириш гимнастикаси билан шуғулланувчи гуруҳ ташкил этиш.

Ўқувчилар, ўсмири ва ёшлар спартакиадаларини ўтказиш.

Волейбол ва теннис майдончалари қурилишида аҳоли ва маҳалла фаолларининг қатнашувини таъминлаш.

Июл. 1. Соғломлаштириш марказларидағи саломатлик гуруҳларига аҳолини жалб этиш.

Мактабгача ёшдаги болалар учун спорт байрамлари ўтказиш.

Уй-жойдан фойдаланувчи ширкатлар терма жамоаларининг шаҳар (туман) биринчилиги мусобақалари

Ҳамда маҳалалар, аҳолилар билан учрашувларига тайёргарлик.

4. Ҳар хил масалалар.

Август 1. Маҳалла оқсоқоллари кенгашлари иш фаолиятини мухокама қилиш.

2. Мустатсилик куни байрамига бағишилаб спорт мусобақаларини ўтказиш.

Сентябр. 1. Спорт билан шуғулланувчилар ва фаолларнинг спорт зали, ўйин майдонлари қурилишида катнашувини таъминлаш

2. Ўрта ва катта ёшдаги кишилар ўртасида спартакиада ўтказишга тайёргарлик.

Октябр. 1. Ёзги спорт мавсуми якунлари тўғрисида ахборот бериш.

2. Тарбияси оғир болаларни жисмоний тарбия ва спорт бўйича мунтазам машғулотларга жалб этиш тўғрисидаги ахборотларини эшлиш.

3 Майдончаларни қишки мавсумда ишлатишга тайёрлаш.

Ноябр. 1. Соғломлаштириш ва спорт ишларини энг яхши йўлга қўйиш юзасидан мавзелар, кўча ва уйлар ўртасидаги ўзаро мусобақа ва кичик танловларнинг якунларини эшитиш.

2. Маҳалладаги мусобақа якунларига кўра фаол жамоатчиларни рағбатлантириш.

Декабр. 1. Бир йилги иш якунлари тўғрисидаги ахборот ва маҳалла оқсоқоллари кенгаши қошида жисмоний фаоллари уюшмасини ташкил қилиш, уларнинг келгуси йил иш режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқдаш.

Шуни эслатиш зарурки, бу намунавий режа маҳалла оқсоқоллари кенгашлари, уларнинг қошидаги жисмоний тарбия ва спорт фаоллари уюшмаси (жамоа) учун мўлжалланган. Шу асосда янгидан ташкил қилинадиган маҳалла жисмоний тарбия жамоалари кенгашлари (ёки уюшма) ҳам ўз режаларини тузиб олишлари мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллалар, қишлоқларда жисмоний тарбия ўқитувчилари, мураббийлари ва спортчи фаолларга таянган ҳолда кичик гуруҳлар, жамоалар (командалар), уюшмалар тузиб, машғулотлар, мусобақалар ўтказиб туриш лозим.

Тураг-жойларда ўрта ва катта ёшдаги кишилар орасида стол тениси, шахмат ва шашка, миллий ўйинлар, енгил атлетика тўғараклари, гуруҳлар ва жамоаларни оммалаштириш уларда соғломлаштириш тадбирларининг турли шаклларидан, шу жумладан, эрталабки гимнастика, юриш, саёат ва бошқа турлардан кенг фойдаланилади.

2.2. Аҳоли тураг-жойларида оммавий спорт ишларини ташкил қилиш.

Аҳоли тураг-жойларида оммавий спорт ишларини муваффакиятли ўтказиша спорт иншоотлари катта аҳамият касб этади. Бу иншоотлар белгиланган қурилиш меъёрлари талабларига мос, болалар ҳамда катталарнинг эҳтиёжларини қондирадиган. тураг-жой қурилишига муносиб, ҳамоҳанг бўлиши керак.

Спорт майдончалари. соғломлаштириш шаҳарчалари, югуриш ва чигал ёзиш йўлакчалари, ўйин майдончаларидан иборат ҳовли ўйингоҳлари шинам бўлиши керак. Бундай ўйингоҳларда усти ёпиқ жойлар бўлиши, яхши ёритилиши ҳам керакки, бу нарса улардан фойдаланиш муддатини ўзайтиради.¹⁰

Спорт иншоотларини маҳсус мосламалар, тренажёрлар билан жихозлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки шу йўл билан аввало улардан ёз ва қиши фаслларида фойдаланиш имкониятини, қолаверса, кўпчилик бўлиб якка тартибда ўтказиладиган машғулотлар самарадорлигини ошириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли туарар-жойларида соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилиш маҳалла оқсоқоллари кенгашлари ҳамда мутахассислар иштирокида ўтказилиши лозим. «Наврӯз», «Мустақиллик куни» ва бошқа байрамларга тайёргарлик жараёнларида футбол, кураш, волейбол, югуриш ва халқ миллий ўйинларини мусобақа шаклида ўтказиш лозим. Туман, шаҳар ҳокимиятлари, спорт қўмиталари ҳамда хомийларнинг фаол иштирокларини кўпроқ жалб қилиш лозим бўлади.

«Маҳалла» жамгарма уюшмаси, «Маънавият ва маърнфат» жамоатчилик маркази, маҳалла оқсоқоллари кенгаши фаолиятида жисмоний тарбия ва спорт ишларининг мазмуни ва вазифалари

«Маҳалла» жамгарма уюшмаси

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлариданоқ аҳолининг тинч-осойишта яшаши, уларнинг ўзаро аҳил бўлишлари ҳамда саломатликларини муҳофаза қилиш тадбирлари курилди. Ўзбекистон Президенти фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари асосида аҳолининг ўзини-ўзи бошқаришини ташкил қилиш борасидаги тадбирлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

¹⁰ T.S.Usmonxo‘jaev, A.A.Po‘latov, Sh.A.Po‘latov,D.X.Abdullaev “Xalq harakatli o‘yinlari nazariyasi va amaliyoti” Toshkent-2014y. 251bet

Шу асосда Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси тузилди ва барча вилоятлар, Туман-шаҳар Ҳокимиятлари таркибида «Маҳалла» жамғармалари иш бошлади. Олий Мажлис томонидан тасдикданган «Маҳалла» ҳамда аҳолининг ўзини- ўзи бошқарувчи бошланғич ташкилотлари, яъни маҳалла оқсоқоллари кенгашлари таъсис этилди. Бу кенгашлар таркибига маҳаллада яшовчи нуронийлар, масжид ҳодимлари, давлат идораларида фаолият кўрсатувчи шахслар, маданият, санъат, тиббий, тижорат, савдо ҳодимлари сайлаб қуйилмоқда. Уларнинг энг муҳим вазифаларига, асосан. қуидаги муаммоларни ҳал қилиш киради:

Ўзбекистон Президенти, ҳукумати ва ўз ҳудудларига қарашли бўлган (шаҳар-туман) Ҳокимиятларининг фармон, қарор ва кўрсатмаларини аҳолига тушунтириш, тарғиб қилиш.

«Наврӯз», «Мустақиллик куни» байрамлари анъанавий миллий байрам ҳамда маросимларни мақсадли ўtkазиш.

Оилаларнинг тинч, осойишта яшашларига ҳисса қўшиш (можаро ва ўзаро келишмовчиликларнинг олдини олиш, улар содир бўлганда яхшиликка ҳал этиш).

Оилаларда хотин-қизларнинг фаолияти ва фарзандлар тарбиясини яхшилашлари.

Турли оммавий-соғломлаштирувчи спорт тадбирлари, халқ миллий ўйинларини ўтказишида ёрдамлашиш.

Маълумки, юкорида қайд этилган муҳим тадбирлар моддий таъминот масалатарини такозо этади. Ана шуларни ҳисобга олган холда Республика «Маҳалла» комиссияси ва унинг қуи тармоқларида «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси ташкил этилди. Унга тушадиган жамғарма маблағлари, асосан, қуидаги соҳаларга сарфланади:

Ногирон болалар, нуронийларга байрам арафаларида моддий ёрдам ва совғалар қилиш.

Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам бериб бориш.

Анъанвий байрамлар ва маросимларда зарурият учун моддий кўмаклашиш.

Маҳалла оқсоқоллари кенгашининг расмий фаолиятлари, хўжалик ишлари ва бошқа соҳаларга маблағлар ажратиш.

Маҳалла оқсоқоллари кенгashi ва унинг хайрия жамғармаси ҳисобига жума намозига келган кишилар томонидан хадя этилган хайриялар, ҳомийларнинг қўшган хиссалари, маҳалла оқсоқоллари кенгashi томонидан ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналари, савдо, тижорат тизимларидан олинган даромад ва бошқа киримлар тушади.

Шунингдек, шароит ва эҳтиёжларга қараб «Маҳалла» хайрия жамғармасининг юқори ташкилотлари томонидан ҳам моддий ёрдам берилади.

Еътироф этиш керакки, бундай улуғвор фаолиятлар Республикада меҳр-оқибат, хайр-ехсон қилиш каби миллий қадриятларнинг чукурлашиб боришидан, Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматнинг аҳолини ижтимоий-моддий, маънавий-маърифий, маданий жихатдан муҳофаза қилишларидан далолатдир.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида «Маҳалла» хайрия жамғарма уюшмаси «Наврӯз», «Мустакиллик куни» байрамларидағи спорт чиқишлари, маҳаллаларда ўтказиладиган (ўртоқлик учрашувлари, спартакиадалар, ҳалқ миллий ўйинларини ташкил қилиш ва ўтказишида фаол иштирок этган мутахассислар, спорт севарлар, спортчилар,) хакамлар ва бошқаларни муносиб равишда рағбатлантириб бормоқда.

2.3. Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази.

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг ўз нашри, яъни «Тафаккур» журнали мамлакатимизда кечаётган иқтисодий, сиёсий, маданий ислоҳотларнинг моҳиятини кенг ёритиб, уларни ҳаётга сингдиришда етарли даражада фаолият курсатиб келмоқда.

Юкоридаги фикрларга асосан, таълим-тарбия ишларига масъул идоралар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда телерадио компанияси, оммавий ахборот воситалари, миллий қадриятлар мазмуни, маънавий-маърифий мерослар, улуг адиблар ҳаёти ва илмий меросларини аҳоли онгига чуқур сингдириш йўлида кенг тарғиботчилик ишларини олиб бормоқда.

Собиқ Иттифок даврида аҳолининг аксарият кўпчилик қисми Ўша давр Ҳокимиятининг ғоялари, мафкуралари билан тўла сугорилганлиги сир эмас. У ғоялар чала мафкураларнинг кўп жихатдан пуч эканлиги кейинги қайта кўриш йилларида (1980—1990) барчага аниқ бўлиб қолди. Шу сабабли мамлакатимизда милий қадриятларни тиклаш ва уларни давр талаблари асосида бойитиш тақозаси юзага келди. Бундай ғояларни амалга ошириш учун эса аниқ мафкуравий ташкилот тузилиши лозим эди.

1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида фармони эълон килинди. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Республикада «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида (1994 йил июн) қарори қабул қилди.

Ушбу қарорда таъкидланганидек, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази кенг омма билан ҳамкорликда ишловчи, давлат бюджетидан маблағ билан таъминлаш ва шу билан бир қаторда хўжалик иш юритувчи ижтимоий ташкилотдир. Бу ташкилот зиммасига бир қатор муҳим вазифалар юклатилган. Улар қаторида «Сотсиологик тадқиқотлар, сўровлар ўтказиш орқали ўзбек халқининг бой маънавий мероси, шаркона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чикириш ҳамда ҳаётга татбиқ, этиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдек ўта муҳим вазифа ҳам белгиланган.

Юкорида бошқа бўлимларда қайд этилганидек, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Халқ таълими, Олий таълим ҳамда Соқликни саклаш

вазирликлари, шунингдек, Касаба уюшмалари федератсияси, «Ёшлар Иттифоқи» ижтимоий ҳаракати каби ташкилотлар билан ҳамкорликда «Соғлом авлаод учун» давлат дастурини амалга оширмоқда, жисмоний тарбия ва спорт билан боғлиқ бўлган Республика илмий-назарий анжуманларини ўтказишда фаол қатнашмоқда.

Маҳалла оқсоқоллари кенгашларининг фаолиятида жисмоний тарбия ва спорт ишларининг мазмуни ҳамда вазифалари

Маҳалла оқсоқоллари кенгашларининг фаолиятлари кенг камроғли ва фидокорона меҳнат қилишни талаб этувчи соҳалардан ҳисобланади. Маҳаллада жисмоний тарбия ва оммавий спорт тадбирларини ўтказиш фаолиятлари йил сайин кенгайиб ва уларга бўлган эътибор кучаймоқда.

Халқ ибораси билан айтганда, Ватан осто надан, маҳалладан бошланади. Ватан тушунчasi ҳар бир инсоннинг юксак даражадаги хис-туғулари, садоқати, фидоий меҳнати, ўзаро иззат-хурмат каби инсоний фазилатларида намоён бўлади. Бу ўринда республика спортчиларининг Халқаро спорт майдонларида, айниқса, Олимпия ўйинларида иштироки, ғалабаси ана шу хислатлар туфайли устувор эканлигини айтиб ўтиш керак. Айниқса, юртимиз байроғининг узоқ Ўлкаларда виқор билан кутарилиши, мадҳиямизнинг баланд янграши спортчиларининг Она-Ватан шарафи учун курашган ва ҳисса кўшганлигининг тимсолидир. Бунинг боиси шундаки, ўшадай фоал спортчилар, уларнинг мураббийлари, қолаверса, спорт ташкилотлари, жамиятлари ҳодимлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассислар ҳам у ёки бу маҳаллада истиқомат килади. Маҳалла оқсоқоллари кенгашлари фаолиятида улар ҳам иштирок этиб, спортни тарғиб қилиш, ёшларни спортга жалб этиш, анъанавий байрамларда қатнашиб, маъruzалар, ўз таассуротлари билан ўртоқлашиш каби тадбирларни биргаликда олиб борадилар. Бундай тадбирлар маҳалла оқсоқоллари кенгаши таркибидаги фаоллар, спорт севарлар, мутахассислар томонидан уюштириб борилмоқда. Бундай ҳайрли ишларни қишлоқ шароитларида ҳам доимий ўтказиб турилиши лозим.

Маҳалла оқсоқоллари кенгаши қошида спорт клубарини ташкил қилиш амалга оширилмоқда. Бундай ташаббусларни оммалаштириш зарур бўлади. Баъзи бир илгор тажрибага эга бўлган маҳаллалар спорт йўриқчиси штатни ташкил қилмоқда. Улар бевосита туман-شاҳар спорт қўмиталарига итоат этиб, аҳоли ўртасида спортни оммалаштириш, болалар ва ўсмирлар орасида спорт мусобақаларини ташкил қилиш билан фаолият кўрсатмода. Маҳалла оқсоқоллари кенгашлари ва уларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаоллари олдида маҳалла ахли саломатлигини яхшилаш, ёшларни спортга жалб этиш, спорт ва халқ миллий ўйинлари орқали аҳолининг дам олиши, руҳий озиқланиши, жисмонан баркамол бўлишларига эриштириш каби вазифалар мавжуддир.

Баъзи миллий урф-одатларимиз ва диний дунёқараашлар хотин-қизларнинг эркин равишда жисмоний машқлар, халқ миллий ўйинлари ёки бирон спорт тури билан шуғилланишларига салбий таъсир қилиши жараёнлари давом этмоқда. «Соғлом авлод учун» давлат дастурида белгиланганидек, соғлом авлодни етиштириш учун энг аввало оналар соғлом бўлиши ва фарзандларининг соғлом ўсиши учун барча шарт-шаронг ва имкониятлардан фойдаланиши зарурдир. Бунда болаларни энг кичик ёшдан бошлаб оила, боғча ва мактабларда жисмоний тарбия билан шуғилланишга одатлантириш алоҳида кўзда тутилган.

Бу жиҳатларни амалга оширишда маҳалла оқсоқоллари кенгаши, унинг фаоллари ва жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари астойдил иш олиб боришлари лозим.

Аҳоли ўртасида оммавий жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш, «Соғлом авлод учун» давлат дастурини амалга ошириш ҳамда «Алпомиши» ва «Барчиной» махсус тестлари талабларининг моҳиятларини кишилар онгиға сингдириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидандир. Шу сабабдан маҳалла оқсоқоллари кенгашили «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги (1999 йил 27 май) қарорини чукур ўрганишлари, унда кўзда тутилган энг зарур тадбирларни маҳаллаларда ишлаб чиқиш, аҳолини спортга жалб этиш йўлларини топишлари лозим.

Хулоса шундаки, аҳоли туарар-жойларида энг аввало спорт иншоотлари, оддий ўйин майдонларидан мақсадли фойдатаниш зарур. Спорт ихлосмандлари, спорт севарлар, мутахассис ҳодимлар ёшлар ўртасида кўчалараро, мавзелар, дахалар ва маҳалла биринчилиги учун улар севган спорт мусобақаларини ташкил қилишлари керак.

«Соғ танда соғлом ақл» нақлига риоя этган ҳолда жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб қилиш, унинг саломатликни мустахкамлаш, иш фаоляти ва умуман умрни узайтиришдаги муҳим омиллардан бири эканлигига аҳолини иқрор этиш керак бўлади.

8.3. «Наврўз», «Мустақиллик куни» байрамлари ва бошқа миллий анъаналарда миллий ўйинларини ташкил қилиш

«Наврўз» байрами, ҳосил байрами, тўйлар қадимги миллий анъаналардан ҳисобланади. Уларнинг сафига миллий байрам сифатида «Мустақиллик куни» байрами ҳам қўшилди. Бу анъанавий байрамлар, халқ сайиллари ва тўйларда кураш, кўпкари (улоқ), пойга, отдан ағдариш, «Қиз кувмоқ», дорбозлик, тош қўтариш, билак қучини синаш ва бошқа ўнлаб ўйинлар доимий равишда қўлланиб келинган. Улар ҳақида «Алпомиш», «1 урурли», «Қирқ-қиз», «Шохнома», «Манас» каби жуда кўп достонлар гувоҳлик беради.

Ўзбекистон истиқлол сари дадил борар экан, халқ миллий ўйинлари миллий қадриятлар сифатида янада эъзозланмоқда. Улар «Наврўз», «Мустақиллик куни», «Ҳосил байрами», касб-хунар байрамлари, тўйлар ва улуғ саналарни нишонлаш жараёнларида янги шакл ва мазмунда қўлланилмоқда

Ўзбек кураши халқаро спорт майдонига чиқди. Спортнинг бу тури бўйича жаҳон чемпионатлари муваффақиятли ўтказилди. Шу туфайли

кураш шаҳар ва қишлоқ ёшларининг севимли спорта сифатида оммалашмоқда.

Қишлоқлардаги катта тўйлар курашсиз ва кўпкарисиз ўтказилмайди. Отларнинг зотини кўпайтириш, чавандозлар сонини ошириш борасида қишлоқ, кенгаш фаоллари жиддий иш юритмокда. Барча миллий байрамларимизда фаққат чавандоз полвонларгина эмас, катта ёшлар ҳам пойга, кўпкари ва бошқа халқ милий ўйинларида фаол қатнашмокдалар.

1491 йил аперлдан буён республика миқёсида халқ миллий ўйинлари, мусобақалари, «Алпомиши» ўйинлари фестивалари ўтказилаётгани ҳақида юқорида баён этилган эди. Таъкидлаш лозимки, марказий шаҳарлар миқёсида ва баъзи қишлоқ ҳамда маҳаллаларда ўтказиладиган Наврӯз, Мустакиллик куни, Ҳосил байрамлари ҳамда тўйларда халқ миллий ўйинлари намойиш шаклидагина олиб борилмокда.

Маҳаллалар ва қишлоқларда ўтказилаётган анъанавий байрамларда халқ миллий ўйинларини ташкил қилишда маҳалла оқсоқоллари кенгashi фаоллари, жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари яқиндан туриб ўзаро ҳамкорлик қилишлари зарур. Шунга асосан кўпчилик иштирок этадиган халқ миллий ўйинларини мазмун ва қоидаларини ихчамлаштирган ҳолда ташкил қилиш лозим бўлади.

Бундай тадбирларда маҳаллий хотин-қизларининг иштирокини таъминлаш миллий ўйинларининг турларидан кенг фойдатанишга олиб келади.

Халқ миллий ўйинлари шуғулланувчиларнинг инсоний фазилатлари ва жисмоний сифатларини мақсад йўлида тарбиялашда миллий қадриятларга таяниб маънавий- жисмоний камолотни ривожлантиришга хизмат килади. Ана шу жиҳатлар эътиборга олинса, маҳалла оқсоқоллари кенгashi фаолиятини кўчайтириш, миллий ўйинларидан фойдаланишни таъминлашда ижобий томонларга силжиш бўлиши мумкин.

Спорт турлари ва халқ миллий ўйинлари бўйича турли жамоалар, тўгараклар ташкил қилиш.

2.4. Спорт турлари ва халқ миллий ўйинлари бўйича жамоалар (команда) ташкил қилиш

Маҳаллалар, мавзелар, кўчаларда болалар ва ўсмирларнинг гурух (5-10 киши) бўлиб футбол, теннис, бадминтон ва турли ҳаракатли ўйинлар билан машғул бўлишлари одатий бир холдир. Бундай ҳолларда ташкилий ва ҳакамлик ишлари болаларнинг ўзидан чиқади, яъни спорт мутахассислари бундан четда қолади. Натижада баъзан турли баҳслар, шартларни бажармаганликлари учун можаролар бўлиб туради. Бу эса ёшлар орасида ғаразгўйлик каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Оқибатда ота-оналар орасида норозилик, хасадгўйлик вужудга келади ва уларга маҳалла оқсоқоллари кенгаши ҳодимлари аралашибга тўғри келади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун спорт турлари ва халқ миллий ўйинлари бўйича командалар тузиш, уларга спорт ишқибозлари, мутахассислар бошчилик қилишлари лозим.

Бунинг учун эса қуидаги тадбирларни амалга ошириш зарур

Маҳалла оқсоқоллари кенгаши идораси олдида команда тузиш тўғрисида афиша осиб қўйиш, фаоллар орқали болаларга оғзаки эълон қилиш, радио узатилади тармокларида, телефонлардан фойдаланиш.

Мураббийлар ва ҳакамлар таркибини тузиш, уларнинг вазифаларини белгилаш.

Йиғилган болаларни рўйхатга олиш ва уларнинг хохишлари бўйича жамоалар тузиш.

Спорт машғулотларини ташкил қилиш учун мактабнинг ўйин ва спорт заллари ёки ишлаб чиқариш корхоналарининг спорт иншоотларидан фойдаланиш.

Тўғараклар ташкил қилиш

Спорт турлари ва халқ миллий ўйинлари билан шуғулланувчиларни бир жойга тўплаб, командалар машғулотларини тўғарак сифатида тан олиш, уларнинг барчасини уюшган ҳолда жисмоний тарбия жамоаси ёки уюшмасини таъсис этиш. Барча фаолиятларни юритиш учун кенгаш сайлаш

Ҳар бир спорт тури командасининг сардори (капитан) кенгаш аъзоси этиб сайланади ҳамда унинг раиси президентини ҳам сайлаш лозим бўлади.

Жамоа (уюшма) кенгаши раиси ва аъзолари маҳалла оқсоқоллари кенгаши билан доимий алоқада бўлиши ва ҳал қилиниши зарур бўлган масалаларни мослаштириб туриши керак.

Маҳалла оқсоқоллари кенгаши, ўз навбатида, маҳаллада ташкил этилган спорт жамоаси (уюшмаси) ҳакида туман-شاҳар Ҳокимияти, спорт кўмитаси ва бошқа масъул идораларга маълум қилиши лозим. Шу тариқа маҳалладаги командалар, тўгараклар ва спорт жамоасининг ташкилий-таркибий, унинг Низоми ва бошқа зарур томонлари хуқуқий хужжатлар билан расмийлаштирилиши шарт.

Дам олиш масканларида (спорт лагерлари, истироҳат ва кўнгил очиши боғлари ва ҳоказо) согломлаштириши ишлари

Аҳоли истиқомат жойларида дам олиш ва соғломлаштириш масканлари шакли қуйидагича бўлиши мумкин:

Истироҳат ва кўнгил очиш боғлари (парк).

Анхор, кул, сув омбори ва катта ариқ каналари (пляж).

Ўқувчиларнинг дам олиш оромгохлари (лагер).

Спорт оромгохлари (спорт лагери).

Маҳалла ва уйлар олдидаги болаларнинг ўйин майдонлари.

Бу шакллардаги дам олиш масканларининг курилиш, шарт-шароитлари, имкониятлари ҳар хил бўлиши табиийдир. Шу сабабдан уларда ташкил қилинадиган командалар, соғломлаштирувчи гуруҳлар, уларнинг машғулотлари ҳамда мусобақалари ҳам шундан келиб чиққан ҳолда ҳар хил бўлади.

Бундай турли-туман жойларда ўйинлар, машғулотлар ва мусобақаларни ташкил этиш мутасадди ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла-қишлоқ оқсоқоллари кенгаши ҳамда фаоллари томонидан олиб борилади. Бу фаолиятларда жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари, тиббий ҳодимлар, кутқарувчи (сув) ва назорат хизматлари бўлиши керак. Умумий хуроса шундан иборатки, мамлакатда олиб борилаётган турли оммавий тадбирларда

спорт турлари ва халқ миллий ўйинлари мазмун топмоқда. Уларни тайёрлаш ва ўтказишида аҳоли тураг-жойларидағи фаоллар яқиндан ёрдам бермоқда.

Халқ ҳаракатли ўйинлари мазмуні. Ҳозирги халқ ҳаракатли ўйинлар ёш авлодни жисмоний камол топтириш, уларнинг ахлоқий, ақлий ва нафосат тарбиясини муваффакиятли амалга оширишнинг муҳим воситасидир. Шундан келиб чиқиб, талаба қизларга жисмоний тарбия дарсларида қуидаги халқ ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишни тавсия этамиз:

1. Ким узокға сакрайди. Ўйновчилар teng икки жамоага бўлинадилар. Ҳар бир команда 8-10 кишидан бўлади. Командалар қаторда бир-бирларига юзма-юз сафланиб турадилар, уларнинг ўртасида эса иккита сакраш йўлакчаси бўлади.

Сигнал берилиши билан биринчи турган болалар старт чизиги орқасида туриб, турган жойдан икки оёқда депсиниб узунликка сакрайдилар. Ерга тушган жой товондан белгиланади. Худди шу жойдан иккинчи турган ўйинчилар сакрайди, сўнгра учинчи турган болалар сакрайди ва ҳакозо. Жами сакраш йифиндисига қараб қайси команда узокроқга сакраса, ўша команда ютган деб ҳисобланади.

2. Арқон тортиш. Майдончага бир-биридан 2-3 м масофада учта параллел чизик чизилади. Арқон шундай қўйиладики, унинг энг ўртаси(лента билан белгилangan жойи) ўртадаги чизик устида туради. Ўйинда иккита команда қатнашади. Ҳар бир команда ўйинчиси шахмат усулида арқоннинг икки томонида туриб, арқонни икки қўллаб ушлаб туради, ўртадаги белги 1 м нарида бўлиши керак.


Ўқитувчи сигналидан кейин иккала команда арқонни ўз томонига торта бошлайди. Ким биринчи бўлиб арқонни чизигидан ўтказса, ўша команда ютган ҳисобланади. Ўйинда олдиндан неча марта тортиш кераклиги келишиб олиниади (масалан, 5 марта). Беш имкониятдан камида 3 марта ўз томонига

арқонни тортиб ўтказган команда ютган ҳисобланади, сўнг дам олинади. Ўйин яна қайтадан бошланади.¹¹

Аралаш группаларда қизлар икки томонга тенг бўлиниб, ўғил болалар билан аралашиб турадилар (битта ўғил бола, сўнг қиз бола туради).

Ўйиннинг бошқа вариантида. Ўйин бошлашдан олдин командалар арқондан маълум масофада сафланиб турадилар (залда 5-10 м, майдончада эса 30-50 м). Ўқитувчи сигналидан кейин ўйновчилар арқон томон югуриб, уни ердан кўтариб, торта бошлайди. Бу ўйинда шунга эътибор бериш керакки, командаларнинг ҳамма ўйинчилари арқонни ушлагандан кейин уни тортишга рухсат берилади.

3. Мак-мак. «Мак-мак» асосан қизларга хос бўлган қизиқарли ўйинлардан бири ҳисобланади. Ўйинда икки, уч ёки жуфт бўлиб ўйнаш яъни икки, тўрт киши иштирок этишлари мумкин. Ўйинни кимлар биринчи бўлиб бошлашларини аниқлаш шундай бўлади:



¹¹ T.S.Usmonxo‘jaev, A.A.Po‘latov, Sh.A.Po‘latov,D.X.Abdullaev “Xalq harakatli o‘yinlari nazariyasi va amaliyoti” Toshkent-2014y. 251bet

Қизлардан бири: «Келинглар «мак-мак» ўйнаймиз», деган таклиф киритади. Қолған қизлар ҳар қайсиси тезкорлик билан мен «биринчи», мен «иккинчи» деб, ўз навбатларини аниқлаб олишади.

Талаба қизларга тушунарлы бўлиши учун биз ўйинни икки киши орасида ўтказиладиганини қўриб чиқамиз. Ўйин тартиби қўйидагича бўлади.

Қизлар узунасига тўғри чизиқ чизишиб, тўртта катакка (ҳар бир катак бўйига ва энига 50 см. дан бўлади) бўлишади. Шу катаклар ёнига шу ўлчовда яна тўртта катак чизишади. Кейин шу катакларни чап тарафдагидан, пастдан юқорига қараб, рақамлар билан белгилаб чиқишади.

Ўнг тарафдаги катакларни эса юқоридан пастга қараб, рақамлашни давом эттиради. Биринчи ва саккизинчи рақамли катакларда «қозон» чизиб олишади. Қизлар ўйин учун ўзларига биттадан яхши текис, суриш учун қўлай бўлган япалоқ тош танлаб оладилар. Ўйин тўрт шартдан иборат ўтказилади.

Биринчи шарт шундай бўлади: ўйинни бошлаётган қизни «биринчи» деб оламиз. Биринчи иштирокчи «қозон» дан туриб, биринчи катакка қўлидаги тошини секин ташлайди. Ўйин қоидасига биноан иштирокчилар тошини ташлашганда ёки юргизишганда катак чизиги устида қолмаслиги керак.

Агар чизиқ устида қолса ўйинни рақиби бошлашига тўғри келади. Биринчи иштирокчи биринчи катакдаги тошини бир оёқда туриб аста-секин ирғиган ҳолда иккинчи рақамли катакка сурари (тош иккинчи катакда тўхтамай учинчисига ўтиб кетиши мумкин. қоидага кўра бундай ҳолатда ўйнаш ҳукуқи рақибга ўтади).

Навбати билан бирин-кетин тошини катакдан-катакка бир оёқда турган ҳолида суриб бораверади. Саккизинчи катакка етгач, тошини ташқарига чиқариб юборади. Кейин яна ўз «қозон»ида туриб, тошини иккинчи катакка ирғитади. Саккизинчи катакка қадар бир оёқда суриб келадида ташқарига чиқариб юборади.

Сўнгра яна «қозон» дан туриб тошини учинчи катакка ташлайди ва навбати билан тошини катакма-катак (тўртинчи, бешинчи...) суро бошлайди.

Навбат қайси катақка түғри келса, ўша катақка «қозон» дан туриб тошни ташлайдыда, ўшангача бемалол икки оёқда юриб боради. (Лекин чизиқни босмайды). Тошга етгач, бир оёқда ҳаракат қилиб, тошни сура бошлайди. Шундан кейин иккинчи шартга ўтилади.

Тошни биринчи катақдаги «қозон»га қўйиб, ўзи бир нафасда «ҳоб» деб, бир оёқда иргиб, бирма-бир катаклардан ўтиб, саккизинчи рақамли катақка келади ва шу катақдаги «қозон»га ўтади. Ундан кейин биринчи катақдаги «қозон»га ўтиб, тошни суриб ташқарига чиқариб юборади.

Учинчи шарт «чехра» деб аталади. Бу шарт ҳам худди иккинчи шартнинг ўзидай ўтказилади. Бунда фақат тишини тишга қўйиб, чехра билан ўйнашади. Агарда оғзини ёпса ёки кулиб юборса, ўйин қоидасига биноан рақиби бошлайди.

Тўртинчи шарти «мак-мак»деб аталади. Иштирокчи тошни яна биринчи катақдаги «қозон»га қўяди. Юзини юқорига қаратиб мак-мак деб навбатма-навбат катаклардан ўта бошлайди. Бу шартда ҳам катақ чизиқларини босмаслиги керак. Лекин бу сафар икки оёқ билан секин-аста дам олиб ўйнаш рухсат этилади. Саккизинчи катақка келганидан кейин «қозон»га оёғини қўйиб, биринчи катақдаги «қозон» ичига ўтиб ўтиради.

Катакларга тескари бўлган ҳолда. «қозон» ичига кирганда ҳам юзи юқорига бўлиб, чизиқларни босмаслиги керак. Кейин рақибдан: «пастданми ёки юқориданми?», деб сўрайди. Рақиби пастдан деб айтса пастдан, юқоридан деб айтса юқоридан тошни орқасига қараб, яъни катакларга қаратади. Тош қайси катақка бориб тушса (катақ чизигига тегмаса), ўша катақ тош иргитган қизнинг «уий» ҳисобланади.

Дарҳол «уий»ни белгилаб қўяди. Ўйин бошланмасдан олдин иштирокчилар «уидан давр берар» деб келишиб олишган бўлсалар, унда биринчи иштирокчининг «уий»аниқланганидан кейин иккинчи иштирокчи бошлайди. Агар «уидан давр бермар» деб келишиб олишган бўлсалар, унда биринчи иштирокчининг «уий» аниқланганидан кейин ҳам ўзи

давом эттиради. Биз, «уйдан давр берар» деб оламиз. Биринчи иштирокчи «уй» олганидан кейин иккинчи иштирокчи ўйинни бошидан бошлайди.

Худди шу тарзда, лекин рақибнинг «уий»га тошни иргитмайди ва ўзи ҳам шу катакни босмай ўтади. Агар тош иргитганда рақибнинг «уий» га тушса ёки ўзи билмасдан қадам ташлаб юборса яна ўйинни биринчи иштирокчи бошлиши мумкин бўлади. Шундайин, иккинчи иштирокчи ҳамма шартларни бажаргандан кейин тошни рақибнинг жавобига қараб пастдан ёки юқоридан орқага қараб иргитади. Тош қайси катакка бориб тушса, ўша катак унинг «уий» ҳисобланади. Кейин ўйинни биринчи иштирокчи давом эттиради. Рақиблар бир-бирларининг «уй» ларига тошни сурмайдилар ва қадам ҳам босмайдилар. Лекин ўзларининг «уй» ларига келганда bemalol икки оёқларини қўйиб дам олишлари мумкин.

Шундай қилиб, қайси бирларининг омади чопиб кўпроқ «уй» эгаллашса, ўша иштирокчи «мак-мак» ўйинининг ғолиби ҳисобланади.

4. Тош ўйини. Бу ўйинни ҳам асосан қизлар ўйнашади. У беш тош, баъзан уч тош ўйини деб ҳам юритилади. Фарқи тошлар саноғида бўлиб, ўйин тартиби бир хилдир. Ўйин асосан икки киши ўртасида бўлади. қизлар беш дона думалоқ, кичик ва чиройли тошчалар танлаб олишади. Ўйинни ким олдин бошлишини аниқлаш учун қизлардан бири қўлига тош яширади.

Иккинчиси уни топа билса, ўйинни биринчи бўлиб бошлайди. Топа олмаса, тош яширган қизнинг ўзи ўйинни бошлаб беради. Ўйин тартиби қуидагicha:

қизча қўлидаги беш тошдан биттасини юқорига иргитади. Иргитилган тош пастга қайтгунча қадар қўлида қолган тўртала тошни маҳкам ушлаб, иккинчи, яъни қўрсатгич бармоғини ерга тегизиб олади ва юқоридан тушаётган иргитилган тошни ерга туширмай илиб олади. Бу ҳаракатни фақат бир қўлда бажаради. Агар қўрсаткич бармоғини ерга тегизиб олиб, юқорига иргитган тошини илиб ололмаса, ўйинни шериги бошлаш имконига эга бўлади. Ўйин бошланди: қиз қўлидаги беш тошни ерга, ўзидан йироқлаштиrmай секингина сочиб юборади.

Сочилган тошлар орасидан биттасини танлаб оладида, юқорига қараб ирғитади. Ирғитилган тош пастга қайтгунга қадар ердаги тошлардан бирини қўлига олади, сўнгра ирғитилган тошни ерга туширмай илиб олади. Яна ўша тошни юқорига ирғитиб, қўлига ердаги иккинчи тошни ҳам олади. Шу тарзда учинчи ва тўртинчи тошни ҳам қўлига олади. Кейин қўлига йиғилган беш тошни яна ўзидан йироқлаштиrmай, ерга секингина сочиб юборади. Орасидан битта тошни олиб, юқорига ирғитади.

Олдинги сафар ирғитилган тош пастга қайтгунга қадар ердан биттадан тош олиб ўйнаган бўлса, энди иккитадан тош олиб ўйнайди. Кейин ўша беш дона тошни ўзидан йироқлаштиrmай, ерга сочиб юборади. Тошлар орасидан бирини олиб, юқорига ирғитади. Ирғитилган тош пастга қайтгунга қадар ердан бирданига учала тошни ҳам қўлига олади ва ирғитилган тошни ерга туширмай илиб олади.

Кейин яна ўша тошни юқорига ирғитади-да, ерда қолган тўртинчи тошни қўлига олади. Тўртинчи мартасида ерга сочиб юборган тошлардан бирини юқорига ирғитганида ерда қолган тўртала тошни ҳам бир йўла қўлига олади ва ирғитилган тошни ерга туширмай илиб олади. Сўнг қўлидаги беш тошдан тўрттасини қўлида сақлаган ҳолда биттасини ирғитади. Кўрсатгич бармоғини ерга тегизиб олиб, юқоридан келаётган тошни илиб олади. Ўйиннинг бошида қилинган бу харакатнинг яна қайтарилиши «тош» ўйиннинг биринчи шартини тугатиб, иккинчи шартига ўтаяпман, деган маънони англатади.

Ўйиннинг иккинчи шартида чап қўлти бармоқлари учи орасидан тошлар bemalol ўтаётган кенглиқда очиб. Ерга тиралади. Бу шартнинг номи «беш капа» дейилади. «Беш капа» дан тошларни ўтказиш қулай бўлиши учун ундан узоқлаштиrmай, тошлар секингина сочиб юборилади. Ўйин одатига кўра иккинчи иштирокчи тошлардан бирини «келинчак» деб кўрсатади. Ўйинни давом эттираётган қиз бир тошни юқорига ирғитади-да, ердаги бир тошни шу «беш капа» қилинган бармоқлардан бирининг орасидан ўтказиш учун силжита бошлайди. Тажрибали бўлса, бир силжитишда капа орасидан

тошни ўтказиб юборади-да, юқорида тушаётган тошни илиб олади. Агар бир силжитишда ўтказиб юбора олмаса, тошни юқорига ирғитиб, яна мұлжалға қараб ердаги тошни капага томон сураверади. Юқорига ирғитилған тош ерга тушмаслиги керак. Капалар оралиғи түрттә. Ҳар бирига биттадан тош түғри келади.

Лекин «келинчак» деб күрсатилған тош бир силжитишда капа орасидан ўтиши шарт. Йўқса ўйин иккінчи иштирокчига ўтиши мүмкін бўлади. Охирида юқорига ирғитилаётган тошни осонгина капа ичига киргизиб юборади. Шундан кейин тошлардан бирини юқорига ирғитадида, қолган тўртала тошни қўлида маҳкам ушлаган ҳолда кўрсаткич бармоғини ерга тегизиб олади ва юқорига ирғитилған тошни ерга туширмасдан илиб олади.

Шундан сўнг кейинги шартга ўтади. Чап қўлини ғор шаклидай қилиб, ўнг қўли билан ғордан йироқлаштиrmаган ҳолда тошларни секингина сочиб юборади. Тошлардан бирини юқорига ирғитиб, қолган тошларни бирин-кетин ғор ичига киргизиш учун ҳаракат қила бошлайди.

Юқорига ирғитилған тош ерга тушиши мүмкін эмас. Тўртала тошни ҳам форга киргизганидан сўнг тошларнинг ҳаммасини қўлига олади. Тошлардан бирини юқорига ирғитади. қолган тўртала тошни ҳам қўлида маҳкам ушлаган ҳолда кўрсаткич бармоғини ерга тегизиб олади-да, юқорига ирғитилған тошни илиб олади, Тўртинчи марта такрорланган бу кўриниш ўйин шартлари тугаганлигини англатади. Ўйинни бошлашларидан аввал қизлар марра сонини келишиб олишган бўлишади. Ўйин шартларини тугатгач қиз бешала тошни бир қўлига олиб, ҳаммасини юқорига ирғитадида, уларни қўлининг тескари томони билан илиб олади. қўли устида нечта қолган бўлса, ҳисоби ҳам шунча бўлади.

Масалан, қизнинг қўлида тўртта тош қолган, демак, ҳисобида тўрт очко. Агар марра сони ўн, ўн бешгача деб келишиб олишган бўлсалар, ўйин давом этади. Ўйинни ўша қизнинг ўзи давом эттиради. Ўйин давомида шартларни бажар олмаса ёки ирғитилған тошларни илиб ололмай ерга

тушириб юборсагина ўйинни иккинчи иштирокчи бошлайди. Шундай қилиб, иштирокчилардан кейин бирлари бирини бўлиб ҳисобни маррага етказса ёки ошириб юборса, ўша иштирокчи «тош» ўйинининг ғолиби ҳисобланади.

5. Сичқон ва мушук. «Сичқон ва мушук» қўпроқ қизларга хос ва мос ўйинdir. Шу ўйин учун тўпланишганларидан кейин ораларидан бири «қотдик» деб юборади. Шунда, ҳамма қизлар турган жойларида қотиб қолишади. «қотганлар»дан қайси бири биринчи бўлиб қимирласа, ўша «сичқон» ҳисобланади. Кейин яна ўша қиз иккинchi бор «қотдик» деб юборади. қизлар яна қотиб қолишади. Кейинги сафар ҳам кимки биринчи бўлиб, қимирласа, ўша «мушук» ҳисобланади. Сичқон ва мушуклар аниқлангач, ўйин бошланади. Ўйин тартиби қуйидагича:

Талаба қизлар бир-бирларининг қўлларини занжирсимон ушлашиб, айлана ҳосил қилиб туриб олишади. Кейин айлана атрофидан сичқон қочади, мушук эса кувлади. Мушук яқинлашгач, сичқон айлана ичига кимриб кетади. Унинг орқасидан мушук ҳам кирмоқчи бўлади. Лекин уни айлана ҳосил қилиб турганлар қўйишмайди.

Сичқон эса айлана ичига кўп туриши мумкин эмас. Шунинг учун сичқон айлана ичига бу ёғидан кирса, у ёғидан дарҳол чиқиб кетади. Мушук уни ушлаш учун айлана атрофидан қувлаб югураверади. қачонки мушук сичқонни ушласа, ўшандагина икковлари ўрин алмашиб ўйнашади. Ўрин алмашишганларидан кейин мушук сичқонни ушласагина, иштирокчилар бу ўйинни қайта бошдан, яъни сичқон ва мушук аниқлашдан бошлайдилар.

6. Ҳужум. Талаба қизлар кучлари баробар teng икки командага бўлинib, майдончани қарама-қарши томонидан чизик бўйлаб бир-бирларига қараб турадилар. Чизиклар ўртасидаги масофа 25-30 м. Ўқитувчининг командасидан кейин бирини команда ўйинчилари қўл ушлашиб, сафни бузмасдан олдинга қараб юра бошлайдилар. Бу команда ҳужумчилар бўлади. қарама-қарши томондаги командага 2-3 қадам қолганда тарбиячи сигнал беради.

Хужумчилар қўлларини қўйиб юбориб, орқага ўз чизиқлари томон югурадилар. Иккинчи команданинг ўйинчилари эса уларнинг орқасидан кувиб, қўлларини уларга теккизсалар, улар тутилган ҳисобланадилар.

Тутилган ўйинчилар ҳисоблаб чиқилғандан кейин иккинчи команда хужумчилар ролини ўтайди. қайси команда, кўп ўйинчиларни ушласалар, ўша команда ғолиб чиқади. Ўйинни 4-6 марта тақоролаш мумкин.

7. Ким тезроқ. Ўйинчилар майдонча ва залнинг бир томонида турадилар. Улар 5 тадан гурухларга бўлиниб, бир-бирларининг қўлларини ушлаб турадилар. Булар командалардир. Командалар турган жойдан 8-10 м нарида чизиқ чизилган бўлади.

Ўқитувчининг сигналидан кейин командалар бир оёқда чизиққача сакраб борадилар. Биринчи бўлиб борган команда ютган бўлиб ҳисобланади.

Сўнгра командалар орқага бурилиб сакрашни бошқа томонга қараб давом эттирадилар.

Ўйин яхши ўзлаштириб олингандан сўнг уни мураккаблаштириш мумкин. Масалан, қизларга бир оёқни ушлаб, иккинчи оёқда сакраш вазифасини буюриш мумкин. Ўйиннинг бир турини қаторда турганда ўтказиш мумкин, бунда қизлар қўлларини бир-бирларининг елкаларига қўйиб турадилар. Агар команда ўйинчиларидан бири оёғини ерга теккизса ёки қўлларини қўйиб юборса, унда шу команда ютқазган ҳисобланади.

8. Бўрон. Талаба қизлар тўртта бир кишилик қаторга сафланадилар. Старт чизиги қаршисида, 10 м нарида ҳар бир қатор рўпарасида биттадан байроқча ўрнатилган бўлади. Барча ўйинчилар бир хил ҳаракатни бажарадилар: «шамол» дейилганда, қўлларини юқорига кўтарадилар, «чақмок» дейилганда, ўтирадилар, «ёмғир» дейилганда чапак чаладилар, «бўрон» дейилганда, югуриб бориб байроқ атрофидан (ўнгдан чапга) айланиб, яна ўз жойларига келиб турадилар. Шартни тўғри ва тез бажарган қатор ўйинда ютган ҳисобланади.

Ўқувчилар байроқ атрофида айланиб келганларидан сўнг ўйин бошлиш олдидан турганларидек чизиқ орқасида сафланадилар.

9. Тўпни ким олади. Талаба қизлар тенг икки командага бўлиниб, бир кишилик қаторда саф тортиб турадилар. Командалар орасидаги масофа 20 м. Марказга чамбарчас қўйилади, чамбарchas ўртасига тўп қўйилган бўлади. Ўқитувчи сигналидан сўнг биринчи ўйинчилар тўп томон югуриб бориб, тўпни олдин олишга ҳаракат қиласи, сўнгра иккинчи, учинчи ва ҳакозо ўйинчилар югурадилар. қайси команда кўп марта биринчи бўлиб тўпни олган бўлса, ўша команда ўйинда ютган ҳисобланади.

10. Тун ва кун. Спорт зали ичида девордан 1,5-2м беридан чизик чизилади, у команданинг уйи бўлади. Майдончанинг ўртасига бир-биридан 2-3 м нарида иккита параллел чизик чизилади. Бу эса ҳолис жой ҳисобланади.

қизлар тенг командага бўлиниб, ҳолис жой чизигида қатор сафланиб турадилар, яъни ҳар бир команда ўз ўйига қараб туради.

Командаларнинг бири-тун, иккинчиси кун бўлади. Ўқитувчи болаларга бажариш учун ҳар хил машқлар беради ва тўсатдан бирор команда номини айтиб чиқаради, масалан, «Тун»!-дейди.

Номи айтилган команда ўйинчилари ўз ўйига қочади, ку командасининг ўйинчилари уларни тута бошлайдилар. Ушланган ўйинчилар санаб чиқилади ва ўз командасига юборилади ва яна ўйин давом эттирилади. Ўқитувчи гоҳ у командани, гоҳ бу командани чақиради, албатта иккала командани бир хил чақириши керак.

Кўпроқ ўйинчиларни ушлаган команда ютган ҳисобланади. Ўқитувчи сигнал бермасдан олдин уйга югуриш мумкин эмас. қочаётганларни ўз чизигигача бўлган ердагина ушлаш мумкин. Ўйиннинг бошқа турлари. қизлар ўгирилиб туриши мумкин, ўтирган ҳолатда ва ётган ҳолатда туриш мумкин ва ҳоказо; қизлар ўз уйлари томон шаҳдам қадам ташлаб юриб, ҳар хил қўл ҳаракатларни бажаришлари мумкин ва ҳоказо.

11. Икки совуқ. Ўйинни волейбол майдончасида ёки катта текисликда ўтказиш мумкин. Майдонча марказида 1,5-2 метрли йўлакча чизилади. Ўйин

учун икки «совуқ» сайланади, улар йўлакча ичидага турадилар. қолган ўйинчилар майдончанинг бир томонида-ўз «уй» ларида бўладилар.

Рахбарнинг кўрсатмасига биноан совуқлар баланд овоз:

Биринчиси:	Оға-ини навқирон
Иккинчиси:	Икки совуқ қаҳрамон
	Мен қизил бурун-Совуқ
	Мен кўкча бурун-Совуқ
	Борми журъат этувчи,
	Йўл-сафарга чиқувчи?-

Деб хитоб қиласилар. Чизик орқасидан ўйинчилар бир овоздан:

Дўқни писанд қилмаймиз,
Совуқдан хеч қўрқмаймиз,-

Деб жавоб берадилар. Шундан кейин улар майдончанинг қарши томонига югуриб ўтадилар. Совуқлар эса ўйинчиларни йўлакча орқасида ушлаб қолишга ҳаракат қиласилар. Совуқларнинг қўли теккан ўйинчилар қаттиқ совуқдан қотиб қолган сингари тўхтаб қоладилар. Улар ўйиндан чиқиб турадилар, қолганлар эса сигналдан сўнг уйларига қайтадилар, совуқлари уларни ушлашда давом этадилар. Ўйин 1-2 ўйинчи қўлга тушмай қолгунча давом этади ва уларни энг чаққон деб эълон қиласилар. Ўртага янги совуқлар тушадилар, ўйин давом этади.

12. Ким тез. Зал ёки майдончанинг ўртасида унинг эни бўйлаб чизик чизилади. Унга байроқча, тенис коптоги, бўлади ва бошқа нарсалар кўйилади. Чизиқнинг икки томонида 1 метр масофада икки команда бир-бирига қараган ҳолда жойлашади. Ҳар жуфт ўйинчига нарса тўғри келиши лозим.

Сигнал берилиши билан ўйинчилар тезликда рўпараларидағи нарсанни олишга ҳамда орқа айланиб, зал ёки майдонча охиридаги финиш чизигига югуриб боришга ҳаракат қиласилар. Нарсанни олишга улгурмаган ўйинчи эса ютураётган ўйинчини финишгача қувиб етиб, унинг елкасига қўл теккизишга уринади. Агар қувлаётган ўйинчи бунга эриша олса, у командаасига бир очко

келтиради, акс ҳолда рақиб команда сиға берилади. Очко ҳиосблаб чиқилғач, ўйин давом этади.

13. Дўнгдан-дўнгга сакраш. Ерга ёки полга бир-биридан 40-50 см масофада 10-12 та бўлган доирача (дўнг) илон изи қилиб чизилади. Ана шундай дўнглар рўпарасида старт чизиги орқасида командалар бир кишилик қаторларда турадилар.

Қаторлардаги биринчи талаба қизлар ўқитувчи сигнал бериши билан дўнгдан-дўнга сакраб юрадилар, охирги дўнгга етиб боргач, ўз командалари томон югуриб келадилар ҳамда иккинчи бўлиб турган ўйинчиларнинг кафтига секин урадилар. Иккинчилар сакрашни бошлайдилар, биринчилар эса қатор охирига бориб турадилар. Сакраб югуришни биринчи бўлиб тугатган команда ғалаба қозонади.

Ҳар бир дўнгда фақатгина бир оёқ билан тушиш мумкин. Ўйинни узлуксиз (естафетага ўхшатиб) ўтказиш ҳам мумкин. Бунда командалар дўнгларнинг икки томонида бўлиб, барча ўйинчилар фақат сакраши мумкин.

14. Ким биринчи. Иккита стул ўртасига 8-10 м масофада арқон ташлаб қўйилади. Ўйинчилар икки команда га бўлинадилар. Ўқитувчи сигналидан кейин ўйинчилар ўз рақиблари стули атрофида югуриб, айланиб стулга ўтириб оладилар ва олдинга энгашиб, арқон учини ушлашга ҳаракат қиласидилар. Ким биринчи бўлиб арқон учини ушласа, ўша ўйинчига бир очко берилади. Ўйин шу тариқа давом эттирилади. қайси команда кўп очко тўпласа, ўша команда ғолиб чиқади.

15. Копток ўйини. Қизлар орасида кенг тарқалган. Футбол тўвидан кичикроқ коптокни ўйинчи ерга уради ва бир айланиб копток ўзининг бўйи билан тенглашганда яна кучсиз зарб билан уради, яна айланади.

Коптокни тўхтамасдан, бир меъёрда энг кўп ерга урган қиз ютиб чиқсан ҳисобланади.

16. Тўsicқ тагидан ўтиш. Талаба қизлар икки команда га тенг бўлинниб. Старт чизиги олдида бир қаторли сафда турадилар. Старт чизигининг қарама-қарши томонида 10-12 қадам нарида тўлдирма тўп ёки чамбарак

бўлади. Старт чизигидан 5 м нарида қаторлар олдида ҳар хил тўсиқлар (0,5 м баландликда) кўйилган бўлади. Ўқитувчи сигналидан кейин биринчи турган ўйинчи белгиланган жойга бориб тўсиқ тагидан аввал оёғини ўтказади, кейин югуриб бориб тўпни ёки чамбарак атрофидан айланиб келиб бошни этган ҳолда тўсиқ тагидан ўтади ва иккинчи ўйинчининг қўлига уриб, ўзи ўнг томондан қаторнинг охирига бориб туради. Ўйин шу тариқа давом эттирилади. Ким биринчи тугатса, ўша команда ғолиб чиқади.

17. Картошка экиш. Талаба қизлар икки командага бўлинниб, бир қаторли иккита сафда турадилар. Биринчи турган ўйинчилар қўлида халтага солинган теннис тўплари бўлади (ўқувчилар сонига қараб). Старт чизиги билан югуриб бориш жойигача диаметри 3 см доиралар чизилади. Ўқитувчи сигналидан кейин биринчи турган ўйинчилар тўпларни доиранинг учига қўйиб келиб, халтачани иккинчи ўйинчига берадилар, улар картошкаларни йиғиб чиқиб, учинчисига берадилар ва ҳоказо. Вазифани ким биринчи бўлиб тугатса, ўша команда ғолиб чиқади.

18. Арғамчи билан югуриш. Талаба қизлар икки командага бўлинган ҳолда старт чизиги олдида турадилар. Ўйинчиларнинг ҳар бирида арғамчи бўлади. Ўқитувчининг сигналидан сўнг улар 30 м масофага арғамчи билан югуриб бориб қайтиб келадилар. Шу вазифани аниқ, хатосиз бажарган команда ғолиб чиқади.

Буни яхши ўзлаштириб олгандан кейин икки кишилашиб югуриш ҳам мумкин.

19. Тутқич бермайдиган арқон. Иккита ўйинчи 3-4 м масофада стулга бир-бирига орқасини ўгириб ўтиради. Стулчаларнинг тагидан арқонча тортилган бўлади. Ўқитувчининг сигналидан сўнг ўйинчилар ўриндан тезда туриб, стуллар атрофидан 3 марта айланиб чиқиб, ўз стулига ўтиради ва олдинга энгашиб, арқончани тортади Ким биринчи бўлиб арқонни тортиб олса, ўша ғолиб чиқади. Югургаётган пайтда стулга тегиб кетиш мумкин эмас.

20. Тез югурувчилар. Талаба қизлар гимнастика гиламида ёки залнинг бир томонидан старт чизиги орқасида саф тортиб турадилар. Ўқитувчининг

сигналидан кейин улар олдинга энгалиб, оёқларини бүкмасдан тўпиқларини ушлаган ҳолда, гимнастика гилами ёки залнинг қарама-қарши томонига мувозанатни йўқотмасдан ҳаракат қилиб юра бошлайдилар. Эстафетани ҳаммадан олдин тез, аниқ ва хатосиз тугатган ўйинчи ютган ҳисобланади.

21. Қармоқча. «Қармоқча» - халқимизнинг қадимий ўйинларидан бўлиб, уни очик ҳавода ва бино ичида, жисмоний тарбия дарсларида ҳамда танаффус вақтларида ўтказиш мумкин. Ўйин учун 3-4 метрли арқонча керак бўлади. Арқончанинг бир учиға кичик ҳалтачада қум ёки қипик боғлаб қўйилади.

Ҳамма қизлар доира ҳосил қилиб, турадилар. Бошловчи доира ўртасида туриб, арқончани ўз атрофида айлантира бошлайди. Ҳалтacha ердан кўтарилимаслиги лозим. қизлар оёқларига ҳалтacha тегиб кетмаслиги учун сакраб-сакраб турадилар. Оёғига ҳалтacha теккан ўйинчи қармоққа илинган бўлиб ҳисобланади ва доира ўртасига чиқади. Энди бу ўйинчи бошловчи ўрнида арқончани айлантира бошлайди.

Ўйин ниҳоятда оддий ва қизиқарли бўлганлиги учун ўқувчилар унда ўз маҳоратларини намойиш қила оладилар. Ким чаққон ва хушёр бўлмаса, қармоқчага илинаберади. Ўртага тушган ўйинчилар бу ўринда узоқ туриб қолмасликлари учун ўйинчиларни тезроқ қармоқга илинтириб олишга ҳаракат қилишлари лозим.

ХУЛОСА

Ҳар бир тарихий давр ўз ўйинларини яратди ва бу ўйинлар ўз даври кишисини тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Ўйинлар одамларда яшаш учун энг зарур бўлган сифатлар, қобилияtlар ва фазилатларни шакллантирибгина қолмай, балки уларни ҳар томонлама маънавий, ақлий, жисмоний ривожланиши ва тайёргарлигига ҳам катта аҳамиятга эгалиги кўrsатилган.

Ўйинлар халқ ҳаётининг муҳим қисми бўлганлиги Шарқ алломаларининг жиддий фикрларида берилган.

Жисмоний тарбия, ақлий ва ахлоқий тарбия билан чамбарчас биргаликда қаралган. Шу сабабли уларни ўрганиш ёшларни мардлик, жасурлик, ота-боболаримизнинг илмий мероси, ўзбекча одоб-ахлоқ, мардлик ва жасурликка, меҳнат тарбиясига асос қилиб олинганлиги қайд этилган.

Халқ ҳаракатли ўйинларининг муҳим жиҳатлари жамоатчилик, инсонпарварлик ва ўртоқчилик анъаналарини тарбиялашга қаратилган.

Халқ ҳаракатли ўйинларининг соғлом авлодни тарбиялашдаги рўли катта. Ёшларни соғломлаштириш, уларда умуминсоний қадриятларни синдириб бориш, ёшларда ватанпарварлик, ўртоқлик ва дўстликни тарбиялаш миллий урф-одатларимизни қадрлашга ўргатиш жараёнида бу ўйинларининг аҳамияти катталиги исбот этилган.

Педагогика нуқтайи назаридан фақат қадимий халқ ҳаракатли ўйинларини эмас, балки ҳозирги босқичга мос халқ ҳаракатли ўйинларининг хусусиятларини билиши зарурлиги кўrsатилган.

Миллий халқ ўйинларидан дарс ва машғулотларда, тўгарак машғулотларида фойдаланиш, дарс жараёнида ўйинларининг самарадорлигини ошириш, комил инсон ва жисмоний соғлом кадрлар бўлиб тарбияланишида муҳим аҳамиятга эга.

Халқ ҳаракатли ўйинларни қўллаб ўтиладиган машғулотлар маълум даражада спорт ўйинлари элементлари такомиллашувига ёрдам беради:

Халқ ҳаракатли ўйинлар диққатни фаоллаштириб, иш қобилятини тикловчи қўшимча машқлар бўлибгина қолмай, спорт ўйинларида техник-

тактик ҳаракатларнинг бажарилишини яхшиловчи, элементларни ўргатувчи самарали восита ҳамдир.

Халқ ҳаракатли ўйинлар соғломлаштирувчи жисмоний тарбия воситаларидан бири эканлигидан далолат беради. Ўтказилган текширувлар халқ ҳаракатли ўйинлардан фойдаланган ҳолда ўтказилган машғулотларнинг жисмоний сифатлар ҳамда жисмоний ривожланиш қўрсаткичларига ижобий таъсири ҳақида хulosा чиқариш имконини беради. Айни вақтда гуруҳлардаги ўзаро муносабатларнинг яхшиланиши кузатилади. Иштирокчилар ҳамкорликка, бир-бирига нисбатан дўстона муносабатга, мавжуд хуш кўрмаслик кайфиятларини енгишга интиладилар.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

1. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишенган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якуnlари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишенган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январ. Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
3. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишенган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабр Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б
4. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноября қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган.Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюkdir : [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январ куни

- соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гурух етакчи мутахассислари билан учрашди] Халқ сўзи. – 2017. – 6 январ.
6. Абдумаликов Р.А., Абдуллаев А. Халқ миллий ўйинлари мазмунидаги маънавият масалалари. – Тошкент: 1995. 14 б.
 7. Исламов А. Ўзбек халқ ўйинлари ва уларнинг дарсда қўлланиши. Халқ таълим. - Тошкент: 1992. № 4-5. – Б. 13-14.
 8. Исломов У. Миллий ўйинлар халқ мулки. Бошлангич таълим, - Тошкент: 1993. № 3. – Б. 20-22.
 9. Йўлдошова Р. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти. Т.: “Ўқитувчи” 1992. 78 б.
 10. Насриддинов Ф.Н., Қосимов А.Ш. Ўзбек халқ миллий ўйинлари. 1- тўплам. - Т.: 1998. 27 б.
 11. Нормуродов А.Н. Жисмоний тарбия. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 192 б.
 12. Рахимов М.М. Бошлангич синвлар жисмоний тарбиясида халқ жисмоний маданияти. Пед. фан. док. илмий. дар... дис. автореф. Т.: 1995, - 33-34 б.
 13. Усмонхўжаев Т., Мелиев Х. Миллий харакатли ўйинлари. Тошкент: 2000. -114б.
 14. Усмонхўжаев Т., Ходжаев Ф. 1001 ўйин. Ибн сино. Тошкент: 1990. – 312-321б.
 15. Усмонхўжаев, Ходжаев Ф. Харакатли ўйинлар. - Тошкент: Ўқитувчи. 1992.
 16. Т.Усмонхўжаев, И.И.Бурнашов, Ҳ.А.Мелиев, Б.Б.Қупчоқов “500 Ҳаракатли ўйинлар” Тошкент-2010 250бет
 17. Т.С.Усмонхўжаев, А.А.Пўлатов, Ш.А.Пўлатов, Д.Х.Абдуллаев “Халқ харакатли ўйинлари назарияси ва амалиёти” Тошкент-2014й. 251бет
 18. Турсунова Қ. Миллий қадриятлар ва спорт . “Болалар ва ёшлар ўртасида

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари”.

Республика илмий-амалий конференсия материаллари. – Термиз: 2003. - Б. 25.

19. Усмонхўжаев Т., Мелиев Х. Миллий ҳаракатли ўйинлари.

– Тошкент: 2000.

20. Усмонхўжаев Т., Ходжаев Ф. 1001 ўйин. Ибн сино. – Тошкент: 1990. – 312-321б.

21. Усмонхужаев, Ходжаев Ф. Ҳаракатли ўйинлар. - Тошкент: Ўқитувчи. 1992. 180 б.

22. Хайитов О., Хайитова Г. Мустақиллик ва спорт тараққиёти. “Болалар ва ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари”. Республика илмий-амалий конференсия материаллари. – Термиз: 2003. ИИ қисм – Б. 62.

23.Холбекова У., Велилияева Н.С.,Қосимова Р.А. Махаллий хотин- қизлар жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш хақида мулохозалар. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари тизимини такомиллаштириш йўллари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари . - Тошкент: 2002.-Б. 109-110.

24.Холова Ш.М., Дропченко В.И., Хайитов Т.Ш. Спортга йўналтириш дастури. “Болалар ва ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари”. Республика илмий-амалий конференсия материаллари. – Термиз: 2003. II қисм.Б. 49.